



Йиғлаётган аёл

3




ЎЗБЕКИСТОН – ИСРОИЛ:
Университетларнинг қўшма
дастурлари

4



Уй-жой куриш учун ер
участкалари

4



Мавсумий аллергиянинг
давоси борми?

5



№24-25
2019-yil, 26-mart
Seshanba (32.515)

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

O'zbekiston OVOZI

Улуглардан улугимсан, Ватаним!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон республикасида боздорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини газетамиз сайтида ўқишингиз мумкин.

Мамлакатимизда БАА инвестициялари иштирокида 107 та корхона фаолият юритмоқда. Ушбу мамлакат фирма ва компанияларининг 28 та ваколатхонаси очилган. Улар асосан тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, мева консервалари, полиграфия, улгуржи савдо, умумий овқатланиш тармоқлари, хизмат кўрсатиш йўналишларида иш олиб бормоқда.

Ўтган йили БААдан юртимизга келган сەяхатчилар сони 1,5 баробар ўсди.



ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Абу-Даби, 25 март. ЎЗА махсус мухбири Умар АСРОРОВ хабар қилади.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 24 март куни расмий ташриф билан Бирлашган Араб Амирликларига келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 25 март куни Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари таомилга кўра, дастлаб Абу-Даби шаҳридаги шаҳид Зоид бин Султон Ол Наҳаён мақбараси ва масжидни зиёрат қилди.

Шаҳид Зоид бин Султон Ол Наҳаён Бирлашган Араб Амирликларининг биринчи Президентидир. У 2004 йили ўзи қурдирган мазкур масжид ёнида дафн этилган. Бугунги кунда ушбу масжид ва мақбара мамлакат аҳолиси учун табарруқ масканга, хорижий делегациялар раҳбарлари ташриф буюрадиган мажмуага айланган.

Ушбу мажмуа дунёдаги энг катта масжидлардан бири бўлиб, қурилиш ишлари 1996 йилдан 2007 йилгача давом этган. Унда бир вақтнинг ўзига 40 минг киши намоз ўқиши мумкин.

Мажмуага ташриф асосида шаҳид Зоид бин Султон Ол Наҳаён руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Президентимизга масжиднинг қурилиш тарихи, ўзига хос мезморий жиҳатлари, сайёҳлар ва зиёратчилар учун яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб берилди.

Шавкат Мирзиёев мақбаранинг Зиёратчилар китобида дастхат қолдирди.

Давлатимиз раҳбари «Воҳат ал-Карома» ёдгорлигига гулнамбар қўйди.

«Қадр-қиммат воҳаси» маъносини англатувчи ушбу ёдгорлик Бирлашган Араб Амирликлари озодлиги ва бирдамлиги учун қурбон бўлганлар шарафига бунёд этилган. Ёдгорлик бир-бирига таяниб турган 31 блокдан иборат бўлиб, раҳбарлар, ҳарбийлар ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва қўллаб-қувватлаш рамзи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари ёдгорликнинг Фахрий меҳмонлар китобида дастхат қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Абу-Даби шаҳрида Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, ички ишлар вазирининг Сайф бин Зоид Ол Наҳаённи қабул қилди.

Учрашувда ижтимоий хавфсизликни таъминлаш соҳасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Бу борада ўзаро тажриба алмашиш, делегациялар ташрифини йўлга қўйиш юзасидан келишувларга эришилди.

Абу-Даби шаҳридаги «Қаср ал-Ватан» саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари давлат мадҳиялари янгради.

Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев самимий қабул ва юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдириб, халқларимизнинг диний-маънавий қадриятлари муштарак экани, бу икки мамлакат ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳидаги ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлишини таъкидлади.

Бирлашган Араб Амирликлари тарихан қисқа даврда — эллик йилда саҳро қўйнида мўъжиза яратиб, иқтисодиёт, инновация, савдо, молия ва туризм бўйича дунё марказларидан бирига айланганини, Ўзбекистон шу соҳаларда ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашишдан манфаатдор эканини қайд этди.

Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва давлатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш борасида амалга ошириётган ишларга юксак баҳо берди.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳудуди кичик, лекин нуфузи ва имкониятлари жиҳатидан катта салоҳиятга эга мамлакат. Бу ерда саноат, таъқиқ савдо логистикаси, транспорт, туризм, фуқаро авиацияси, инновация ва ахборот технологиялари, банк ва молия соҳалари жадал ривожланмоқда.

Қулай географик жойлашув ва солиқ сиёсати

мамлакатта тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими кириб келишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, Амирликларнинг ўзи ҳам фаол ташқи инвестиция сиёсати олиб бормоқда. 2018 йилда БАА хорижий давлатларга 12 миллиард доллар миқдорда тўғридан-тўғри инвестициялар йўналтирган.

Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 25 октябрда ўрнатилган. Яқинда икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликларидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси тайинланди.

Мамлакатимизда БАА инвестициялари иштирокида 107 та корхона фаолият юритмоқда. Ушбу мамлакат фирма ва компанияларининг 28 та ваколатхонаси очилган. Улар асосан тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, мева консервалари, полиграфия, улгуржи савдо, умумий овқатланиш тармоқлари, хизмат кўрсатиш йўналишларида иш олиб бормоқда.

2018 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми қарийб 400 миллион долларни ташкил этган.

Давлатимиз раҳбари бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан ўсгани, лекин томонларнинг салоҳиятини ҳисобга олганда, етарли даражада эмаслигини таъкидлади. Шу боис музокараларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, банк-молия, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги амалий алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу ташриф ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги bosқичга кўтаришига ишонч билдирилди.

Жорий йил 12 март куни Тошкентда бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – БАА ҳукуматлараро комиссиясининг учинчи йиғилиши натижалари ижобий баҳоланди. Ҳукуматлараро комиссия олдида яқин йилларда ўзаро савдо айланмаси ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш, бунинг учун товар етказиб беришни қўлайлаштириш, ҳомашени қайта ишлаш ва қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш

бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Икки мамлакатда ҳам туризм соҳасида улкан салоҳият мавжуд. Амирликлар аҳолиси буюк алломаларимиз мақбараларини зиёрат қилиш, табиатимиз манзараларидан баҳра олишга орзуманд. Ўтган йили БААдан юртимизга келган сەяхатчилар сони 1,5 баробар ўсди.

Президентимизнинг яқинда имзоланган фармонида мувофиқ юртимизда Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари учун визасиз режим жорий қилинди. Бу Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида нафақат туризмни ривожлантириш, балки савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралардан сўнг икки томонлама имзоланган ҳужжатларни алмашиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси билан БАА ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Инвестициялар, молия, муқобил энергетика, саноат ва инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, божхона маъмуричилиги, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича имзоланган ҳужжатлар алмашилди. Умуман, ташриф доирасида умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ бўлган келишувларга эришилгани маълум қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ва Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Самимий мулоқотда сиёсат, хавфсизлик, инвестиция соҳалари юзасидан фикр алмашилди. Савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, энергетика ва инфратузилма йўналишида қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, фан-технология ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи давом этмоқда.

● Бирлашган Араб Амирликлари еттита амирликдан иборат бўлган давлат. Пойтахти — Абу-Даби. Жанубий-ғарбий Осиёда жойлашган. Қатар, Оммон султонлиги ва Саудия Арабистони қироллиги билан чегарадош.

● Майдони 83,6 минг квадрат километрни ташкил қилади. Давлат тили — араб тили. Инглиз, форс ва урду тиллари кенг қўлланилади. Аҳолиси 9,6 (2018 й) миллиондан кўпроқ.

● Бирлашган Араб Амирликлари миллий куни — 2 декабрь. 1971 йилнинг шу санасида Абу-Даби бошчилигида олти амирлик мустақил давлат тузиш шартномасини имзолаган.

● БАА ҳудудининг катта қисмини шўрхоқ ерлар ва кумли саҳролар эгаллайди. Хурмо дарахти, акация ва юлғунзор воҳалар ҳам учрайди. Ғарбида кумли ва тошли саҳролар, шарқда ва шимол-шарқда Ҳажар тоғлари жойлашган.

● БАА иқтисоди, асосан, нефть ва табиий газ қазиб олиш ва уни қайта ишлашга асосланади. Амирликлар кунига ўртача 2,2 миллион баррель нефть қазиб олади.

● БАА нефть захиралари 200 миллиард баррель, табиий газ захиралари эса 5600 миллиард куб метрни ташкил этади. Нефть ва газ қазиб чиқариш саноатининг ЯИМ дағи улуши тахминан 33 фоизни ташкил қилади.

● Мамлакатда халқаро аҳамиятга эга 7 порт бор.

● Амирликларнинг қадимги тарихи жуда кўп археология ёдгорликларида ўз аксини топган. Шунингдек, бу ерда кўплаб замонавий араб архитектураси ёдгорликлари мавжуд. Дубайдаги машҳур Жумайра масжиди — дунёдаги энг улкан ва ўзига хос архитектура ечимига эга бўлган иншоот ҳисобланади.

● Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 25 октябрда ўрнатилган. Яқинда икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликларидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси тайинланди.

I ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ ЯРИМ МАРАФОНИ



4

Она сутидан ҳам яхшироқ сунъий озуқа бўлиши мумкинми?

Чақалоғини эмизмаган оналарга чора кўрилиши ростми?..

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлди. Унда бир қанча қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини рад этиш ҳақидаги ахборот тинланди. Мазкур лойиҳада Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг тузилмасида Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси тугатилгани ҳамда унинг ўрнида Солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси ташкил этилгани сабабли, Жиноят-процессуал кодексдаги айрим жумлаларни алмаштириш таклифи билдирилган. Бу эса «Норматив-ху-

қуий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига зид келган. Ана шу ва бошқа сабабларга асосан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги лойиҳани Қонунчилик палатаси регламентига мувофиқ рад этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашни билдирди. Бу масала ялпи мажлисда кўриладиган бўлди. Йиғилишда «Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланиши тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатларнинг қизгин муҳокамасига сабаб бўлди. Таъкидланганича, болаларни кўрақ сути билан боқиб ҳақидаги тартиб ўтириш ишлари самарадорлигини фақат тиббиёт ходимлари орқали ошириб бўлмайди. Бу борада гўдаклар ҳамда кичик ёшдаги болаларни

овқатлантириш ҳақида объектив маълумот билан таъминлашда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳам иштироки мумкин. Шу сабабли, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотлар хизматчилари болани кўрақ сути билан боқибнинг аҳамияти, рационал овқатланиш, нотўғри овқатланиш билан боғлиқ муаммолар ҳақидаги маълумотларни омма орасида тарғиб қилишда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти тавсияларига асосланиши керак бўлади. Бундан ташқари, кўрақ сути ўрнини босувчи тарғиб тарқатувчи дистрибуторлар «Кўрақ сути ўрнини босувчи»нинг маркетинг халқаро кодекси» шартларига мос равишда ҳаракат қилиши мумкин. — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Турсунгул Норбоев. — Миллий қонунчиликда халқаро кодекс тавсияларини жорий қилиш масаласини кўриб чиқиш зарур. Яъни, ушбу қонун қабул қилингандан кейин кўрақ сути билан овқатлантирилмаганларга чора кўриш амалиёти жорий этилиши назарда тутилмоқда. Ленин онанинг тўғиб овқатланмагани, унинг фарзандли бўлганидан кейин 2-3 ойга қолмасдан ишга чиқиб кетиши

сабабли болани кўрақ сути билан овқатлантира олмаслиги мумкин. Ушбу ҳолатда қандай йўл тутиш лозим? Бугунги кунда «Оила» илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва бошқа шу каби бир қатор болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ташкилотлар фаолият юритмоқда. Уларни ҳам ушбу масала юзасидан маъсулияти ва фаоллигини ошириш лозим. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши болаларнинг асраб авайлаш нўқтани назардан жудаям кераклидир. Қонун лойиҳасининг концепциясини қўллаб-қувватлайман. Лекин қонуннинг ўзбек тилидаги матнида жуда кўп ғализ жумлалар, хатolikлар мавжуд. Буни иккинчи ўқишга-чўкишга тўрилади. — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Зулайхо Ақромова. — Шу ўринда бир савол туғилади. Бугунги кунда қанча бола она сути билан, қанча бола сунъий озуқа билан овқатлантирилади? Шу бўйича қонун ташаббускорларида аниқ статистика мавжудми? Бола ҳуқуқлари конвенциясининг 24-бобига асосан гўдакларни 6 ойгача истисносиз кўрақ сути билан боқиб олиш мумкин. Буни ҳам қўллаб-

қувватлашга қаратилган тадбирлар жамият саломатлигини сақлашдаги мўҳим вазифадир. Жамиятнинг барча аъзоларига, айниқса, ота-оналарга кўрақ сути билан боқибнинг афзалликлари ҳақида маълумот бериш зарур. — Болалар овқатини ишлаб чиқаришда ҳам аниқ меъёрларни тартибга солиш керак, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов. — Айрим жойларда рекламаларда болаларнинг сунъий овқатлари она сутидан ҳам яхшироқдир, дея тарғиб қилиниш ҳолатларини учратамиз. Она сутидан ҳам яхшироқ сунъий озуқа бўлиши мумкинми? Ушбу ҳолатни ҳам тартибга солиш лозим. Керак бўлса, ушбу қонун лойиҳаси билан биргаликда «Реклама тўғрисидаги қонун»га ҳам ўзгартириш киритиш лозим, деб ўйлайман. Фракция аъзолари томонидан берилган саволлар ва билдирилган таклифларга қонун ташаббускорлари, мутахассислар томонидан атрафлича жавоб берилди. Муҳокамалар сўнггида, қонун лойиҳасини маъқуллаб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси муҳокамасига киритиш тўғрисида таклиф тушди ва фракция аъзоларидан 18 нафари қонун лойиҳасини маъқуллаб, 2 нафари қарши, 1 нафари бетараф бўлиб овоз берди. Шунга кўра, қонун лойиҳаси фракция томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўз мухбиримиз.

ҚОНУН ВА ШАРҲ

Жорий йил 6 мартда матбуотда «Хукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг маъсулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун расман эълон қилинди. Шунга биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, 2 та конституциявий қонунга ва 4 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонун жорий йил 1 апрелдан қучга киради.

Депутатлар рад этиш ҳуқуқига эгами?..



Қонунда иккита демократик тартиб-тамоил белгиланган. Вазирилар Маҳкамаси аъзолари эндиликда Бош вазир тақдими биноан Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин Президент томонидан тасдиқланади ва лавозимдан озод қилинади. Бош вазир ҳукумат аъзолари билан бирга ҳар чорак якунида Олий Мажлис палаталарига Президентнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг боғиши тўғрисида ҳисобот тақдим этилади.

Ҳозирча Конституцияга мувофиқ, парламент Бош вазирни тасдиқлайди. Лекин вазирилар лавозимга қўйишда қатнашмайди. Бундан буён эса Вазирилар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиёти жорий этилади. Бўлажак вазир парламент аъзолари олдида соҳани ривожлантириш бўйича ўз дастурини баён этиди ва унга эришиш йўллари асосийлади. Шундан кейин муайян хулосага келинади.

Хукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқиши ва маъқуллаши халқ ҳокимиятичилигининг яққол ифодаси бўлиб, фуқаролар ижро ҳокимияти маъсул лавозимларига номзодларнинг нечоғлиқ лойиқлиги, малакаси, шахсий ва касбий фазилатлари, истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар режасига баҳо бериш имкониятига эга бўлади.

Хукумат аъзоларининг маъқуллаши тасдиқлаш депутатлар унинг келгусидаги фаолияти самарали кечиши учун маъсулиятни тенг бўлишиларига тўғри келади. Шунинг учун ҳам депутатлар фақатгина маъқуллашга эмас, номзодни рад қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Қонуннинг яна бир мўҳим жиҳати шундаки, агар аввал парламент Бош вазир лавозимига номзодни тасдиқлаш ваколатини амалга ошириб, Хукумат фаолиятига умумий, яхлит баҳо берган бўлса, эндиликда Хукумат аъзоларига номзодни кўриб чиқиш ва маъқуллаш жараёнида ижро ҳокимиятининг ҳар бир тармоғи, соҳасига алоҳида-алоҳида тўхталиб, кам-чиликларни аниқлаш, танқидий таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади.

Янги демократик тартиб-тамоил сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва аҳамияти ошишига ҳам хизмат қилади. Ҳар бир партия ўз сайловолди дастури ва платформасидан келиб чиқиб, номзодни қўмиталарда, фракция мажлисларида, палата ялпи мажлисида муҳокама қилиб, Хукуматнинг асосий йўналишларига таъсир қилиш имкониятига эга бўлади. Бу конституциявий ҳуқуқ назариясида дастлабки назорат, деб номланади. Яъни, шахс ҳали лавозимга киришадиган аввал, ҳали у ёки бу ҳаракатни амалга оширмаддан олдин, унинг кўрсатилган лавозимга лойиқлиги, малакаси, тажрибаси, ишончлилиги, шахсий ва касбий фазилатлари баҳоланади.

Бу жараёнда парламент қўмитасининг ўрни ҳам беқийс. Чунки парламент қўмиталари тизими барча вазириларни қамраб олади. Содда қилиб тушунтирадиган бўлса, вазирилик бор экан, унинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширадиган парламентнинг тармоқ қўмитаси ҳам мавжуд бўлади. Ялпи мажлисдан аввал асосий муҳокамалар, қаттиқ танқидлар, баҳо-мунозаралар одатда қўмиталарда кечади.

Эслатиб ўтиш жоизки, бундай тартиб ўтган эсрнинг 90-йиллар бошларида ҳам мамлакатимизда бўлган, ўша вақтда айрим вазирилар ҳукумат аъзоларига тасдиқланолмагани, ўзининг келгусидаги режалари билан депутатларни ишонтира олмаганининг мутахассислар аниқ биллишиди.

Бундай тартиб дунёнинг кўпгина демократик давлатларида қўлланилади. Масалан, АҚШда Президент вазириларни Сенат маъқуллаганидан сўнг тайинласа, Францияда эса палаталарнинг ваколатли қўмиталарнинг хулосаларидан сўнггина Президент лавозимга тайинлайди. Барча демократик давлатларда давлат бошлигининг парламентга мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазириларни амалга ошириш Хукумат зиммасига юкланади. Бош вазир ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда парламентга тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг боғиши тўғрисида ҳисобот тақдим этиши ҳам мўҳим демократик таомил ҳисобланади.

Бош вазир томонидан ҳукумат аъзолари билан биргаликда парламентга ҳисобот тақдим этилиши белгилаб олинган режалар бажарилишини халқ вакиллари иштирокида танқидий таҳлил қилиши, қатъий тартиб-интизомни ўрнатишига, Хукумат аъзоларида шахсий жавобгарликни янада ошишига хизмат қилади. Албатта бу жараён оммавий ахборот воситалари орқали кен ёритилиб, шу тарихи фуқаролар Мурожаатномада белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ҳукумат қандай иш олиб бораётганидан хабардор бўлади.

Мирвазл МИРАКУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти бошлиқ ўринбосари, юридик фанлар доктори.

«Меҳрибонлик» уйлари камайиши керак»

Ҳар бир болага ота-она меҳри зарур

ЎзХДП ФАОЛИ БИЛАН СУҲБАТ

Фотомухбиримиз билан пойтахтимиздаги 22-сонли «Меҳрибонлик» уйи олдида кўришишга келишгандик. Белгиланган вақтда манзилга етиб бориш учун эрталоқ йўлга отландим. Кўп қаватли гишли бинонинг олдида етганимда, бу ерда қайси ташкилот жойлашганига қизиқдим. Кўчадаги ободонлаштириш ходимидан сураганимда, бу айнан мен кидираётган муассаса эканини айтди. Олдинлари ҳам мазкур бинонинг олдида кўп ўтганман. Аммо жуда нуфузли, халқаро даражадаги ташкилотлардан бири жойлашган бўлса керак, деб ўйлардим.

Ҳамкасбим билан ичкарига йўл олганимизда қоровул бизни тўхтади, расм-русумга мос тарзда маъмуриятдан бир ходим келган, ичкарига таклиф этди. «Меҳрибонлик» уйи директори, Ўзбекистон ХДП фаоли Шаҳрия Бердиевани эса янги қабул қилинган бола билан суҳбатлашадиганда учратдик. — Ҳар сафар янги бола келганда, биринчи навбатда у билан яқин дўст бўлишга ҳаракат қиламан. Бола ҳар бир вазиятни ўзича таҳлил қилади. Янги жойга мослашиш жараёни қандай кўлиб олинганига боғлиқ. Одатда тарбияланувчиларга муассасага кўчиб, ўртоқлар орттириши учун бир ҳафта етарли. Негаки, уларнинг аксарияти қийинчилик таъмини эрта тотган, ҳаётнинг оқу қорасини кўрган, тез улғайган бўлади. Атрофдагиларнинг унга қарашидан нима демократияни билиб олади.

Урни келганда айтишим керак. Кўпчилик «Меҳрибонлик» уйи деганда кўз ўнгига чин етим, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни бир хонага қамаб, фақат мактабга боришга кўз-қулоқ бўладиган ташкилот келди. Истардимки, газетангизда чоп этиладиган мақоладан кейин юрдошларимизда янгича қараш шаклланса.

«Меҳрибонлик» уйи биноси 110 ўринга мўлжалланган бўлиб, 2013 йилда қайта таъмирланган. Айни пайтда кеча келган бола билан ҳисоблаганимизда 107 нафар бола тарбияланмоқда. Шундан 24 нафари ихтисослаштирилган ҳарбий лицейларда ўқияпти. 26 нафар битирувчиларимиз нуфузли олий таълим даргоҳларига, 2 нафари эса магистратура босқичида таҳсил олмақда.

Муассасамизни қатта оилага ўхшатаман. Ҳар бир оила вакилининг ўз вазифаси бор. Қабулхона учун тозалик ходими штат билриги бор, холос. Қолган юмушларни болаларнинг ўзлари эгилашади. Барча тарбияланувчиларга вояга етганига қадар ҳаётда керак бўладиган хўнарларни ўргатамиз.

«Меҳрибонлик» уйига директор бўлишдан олдин Халқ таълими вазирилик тарихидаги шўъбада ишлаганман. Республика миқёсидаги кўплаб шундай муассасаларда бўлганман. Тажрибам менга иш жараёнида ҳам асқотди. Бу масканга биринчи келган вақтларимни эсламан. Нималардир қилишга, асосийси, болаларга қатта ҳаётда қўрилмасликни, қўқилса, қайта туришни ўргатишга уриндик.

Тан олиш керак, олдинлари битирувчилар улғайганига қадар маъсуллик, деган тушунча устун бўлган. Унинг кейинги тақдир иккинчи даражадаги масала ҳисобланган. Бугун эса бундай камчиликлари йўл қўйиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши англаймиз. Шунинг учун муассасамизда лавозимлик, тивувчилик, сардорлик, спорт, мусика тўғрисидаги фаолият олиб боради. Болалар 128-ва 79-мактабларда ўқийди. Уларга ишонч билдирганимиз, ўзлари мактабга бориб-келади. «Эрудит» гуруҳимизга бориб кўринг, ўқил-қизларимиз исталган овқатни ошпазлардан кўра мазалироқ тайёрлайди. Бир-икки йил олдин бир қизимиз ҳуқуқшу-



Савиёрий ШИҲТАҒАНОВ оила суҳбати.

ти, кулишини ҳам, қунонишини ҳам билмайсан. — Утган йили Фарғонадаги «Меҳрибонлик» уйида содир бўлган, бутун мамлакатни ларзага келтирган нохуш воқеадан кейин менга кўнгиноқ бўлди. Номини айтмайман, бир газетадан мухбир келиши ҳақида хабар қилишди. Бизнинг болалар шунчаки, қунига неча марта олашсангиз, шунча кўнгиноқ қўришади. Бола-да, бағрингиздан итара олмайсиз. Бир марта қайтардингизми, тамом, кейин сиз билан масофа сақлаб муомалада бўлади. Буни келган мухбир нотўғри тушунибди. Келинг, шундай, дея қўлайлик. «Бу театрни кимга кераги бор», деди ходимамизга. Битта муассасада нохуш ҳолат юз берса, ҳамма жойда ҳам шундай бўлади, дегани эмаску?..

Айрим таклифларим ҳам бор. Вазийлик ва хомийлик кенгашларининг фаолиятини қайта кўриб чиқиш керак. Уларнинг ишига натижага қараб баҳо бериш лозим. Шу вақтда қадар оилаларга олинган болалар сони жуда кам. Биласизми, «Меҳрибонлик» уйларидagi аксарият болаларнинг отаси ёки онаси тирки. Баъзилар шароитим етмаяпти, дея бир-икки йилга, деб боласини ташлаб кетади. Айтилган вақт ўтади. Афсуски, бола улғайгунча муассасада қўлиб кетаётгани ҳам бор гап.

Оилага тарбияга олинган бола учун тўланадиган нафақа миқдори 820 минг сўмни ташкил қилапти. Бу ҳам сумма эмас. Буни одамларга тушунтирадиган фидойи ходим керак. Очик айтишга тўғри келади, иш юклаганимиз кўп, нотўғри тақсимлангани ҳисобига тизимда кадрлар кўнисиизлиги кўп учрамоқда. Ҳар бир боланинг ижтимоий келиб чиқишини ўрганиш зарур. Кеча келган бола ўнга киряпти. Ҳали ўқишни билмайди. Бошида жароҳат излари бор. Шундай бола битта, деб ўйлайсизми?..

«Меҳрибонлик» уйлари сонини камайитириш чоралари кўрилиши керак. Халқимиз азалдан меҳрибон халқ. Уруш йилларида миллионлаб бола «Меҳрибонлик» уйларида

ҳар бир инсон дунёга келгани, олдида мақсад қўйиб, унга эришиш учун ҳаракатда бўлиши шарт. Оила қўраман, уйли-жойли бўламан, машина сотиб оламан, дея интилиши зарур. Шундай оилалар борки, уларда беш фарзанд вояга етляпти. Ота-онанинг ҳар бир боласига уй қўриб, тўй қилиб беришга шароити йўқ. Улар ҳам ўз кўнини қўришляпти. Шартнома асосида ўқилиш қилиб, ҳам ишлаб, ҳам таълим оляпти. Ҳар бир инсон ёшлигидан ўзининг ҳаётини ўзи қўришни ўрганиши зарур.

«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларига муассасани тарқ эътаётганда белгиланган миқдорда пул маблағи берилади. Аммо кўп болалар уни тўғри сарфламайди. Мазкур масалада ҳам янгича ёндашув керак бўлади.

Қарорга мувофиқ «Меҳрибонлик» уйларида «ишонч телефонлари» ўрнатилиши бошланди. Кўп юрдошларимизда телефонлар ўрнатилгани билан болаларда ундан фойдаланиш имкони берилмайди, деган уй ҳам бўлаётгани рост. Сиз бунга қандай қарасиз? — «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчаларида зарур алоқа воситалари билан жиҳозланган алоҳида хоналар ажратилиши, «Ишонч телефонлари» узлуқсиз ишлаши, улардан тарбияланувчилар эркин фойдаланиши таъминлаш кераклиги ҳам қарорда келтирилган. Бу, албатта, бекорга бўлгани йўқ. Бутун республикадаги «Меҳрибонлик» уйларида ҳам ҳолат бир хил, деб айта олмаймиз. Аммо барчасига бюджетдан тенг миқдорда маблағ ажратилади. Эътибор ҳам бир хил. Айни вақтда бундай муассасалар худудлари ва хоналари тўлиқ видеокузатув камералари билан жиҳозланиши бошланди. Бизнинг муассасамиз эса 2013 йилда таъмирланган вақтда бу йўлга қўйилганди. Кузатувларнинг бир ойлик архивларини сақлаб борамиз. «Ишонч телефонлари»ни «қўллаб» қўйишга имкон ҳам, зарурат ҳам йўқ, деб ўйлайман. Бу тизим жуда самарали ишлайди, деган умиддаман.

ўргатган. Келажакда маҳоратли хонанда бўлишни орзу қиламан. Ҳозир рус, инглиз тилларини, дутор чалишни ўрганилман.

Бир кун уйимизга оператор келиб, болаларни суратга ола бошлади. Мендан хиргойи қилиб беришимни сўради. Ижройим ёқди шеклили, танловда иштирок этишга таклиф қилинди. Россия Федерациясига бордик. Бизни илқ қўлиб олишди. Дўстларимни соғинганимни ҳисобга олганда ҳаммаси яхши бўлди.

Жаҳонгир ОЧИЛОВ, Хлебушкина номидаги 22-сонли «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси, футболчи «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионати гўлиби:

— Футболга қизиқаман. Аввалига машҳур футбол юлдузларининг ўйин услубини диққат билан ўргандим. Улар учун тўпни олиб қўйиш, чиройли ўйин кўрсатиш жуда мароқли эканини англадим. Футбол инсонда тез қарор чиқариш хислатини шакллантиради. Утган йили биринчи мартаба «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Биз ҳам унда қатнашишга қарор қилдик, аммо гўлиб бўлиш имкони кам эди. Қисқа муддатда кучли тайёрлар кўридик. Уйинчиларни саралаш жараёни ҳаққоний ўтгани, юрагини бериб ўйнайдиган болалар танлаб олингани галабининг гарови бўлди, деб ўйлайман. Биз бу мусобақада галаба қозондик.

Ораушим келажакда дунё тан оладиган футболчи бўлиш ва шунга астойдил ҳаракат қиламан. Жаҳоннинг энг машҳур футбол клубларида тўп суришни, истаиман.

«Меҳрибонлик» уйини айланиб, болалар ётоқхонаси, ошхона, машгулотлар хонасини кўздан кеиридик. Муассасада яратилган шароитни кўриб, ҳайратландик. У ерда меҳрни ҳис этдик. Айни чоғда ҳар бир ўғил-қиз ўз оиласида вояга етишини ният қилдик.

Махлиё АЛИКУЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Аёллари йиғлаётган жамиятнинг сукут сақлашга ҳаққи йўқ.

Йиғлаётган аёл

Аёл йиғласа, дунё титрайди, ариши аъло ларзага келади, дейилмиш муқаддас китобларда

ИНСОН ҚАДРИ

Бу — чин гап, аини ҳақиқат. Ибодат, изоҳ сўрамайдиган ҳақиқат. Ҳимматдан қиёс, бир аёл йиғлаб турганини кўрган чоғимиз юрагимиз озор чекади. Бизга етти ёт бегона бўлса-да, унга ачинамиз, дардини билгимиз, ёрдам бергимиз келади. Бунинг сабабини тушунтириш осон эмас, ҳар кимнинг ўзи билади, ҳис этади.

Ҳайлаб-ҳайлаб кўрсак, хаёлларга ботиб-ботиб фикрласак, англаймиз: Аёл — энг аввало она, сизни, бизни, дунёга келтирган муқаддас зот. Шохимиз, гадоимиз, дунё таниган олимимиз, оддий деҳқонимиз, ҳар биримиз онамиз қорнида яраганмиз, онамиз тану жонидан озуқа олиб, жонланганмиз, пайдо бўлганмиз. Ёруғ оламга келганимиздан сўнг онамиз кўксидан оқ сут бериб, бизни оёққа тургазан.

Аслида, онамиз сут билан бирга, ўз жонидан узиб-узиб бизга берди, жону жаҳонини бағишлади. Шунданми, бошимизга савдо тушса, биринчи бўлиб онамизни эслаймиз, онам билмасин, юраги кўтаролмайди, деймиз. Жонимиз оғривса, «онажон», деймиз. Дунёдаги энг ширин нон онам ёлган нон, деймиз. Энг ширин таом онам тайёрлаган таом, деймиз. Ҳар биримизга ўз онамиз азиз, мўътабар, муқаддас. Ҳаммамиз учун она улуг, илоҳий зот.

Шунинг учун ҳам инсон борки, оналар, аёллар ҳақида энг ширин сўзни, энг азиз, энг олий сўзни айтгиси келади, оналарни ҳаммадан ўтказиб таърифлагиси, ардоқлагиси, эъзозлагиси келади. Аёллар — оналар ҳақида айтилган гаплар китоб қилинса, ёзилган китоблар жамлаиб, тахланса, кўкка етгандан етиб, булутлардан ошиб, эҳтимол ойдан ҳам ўтиб кетиши мумкин.

Аммо ҳамоно оналар ҳақида сўз ахтарамиз: оналар ҳақида энг улуг гапни айтишни уйлаймиз, аёлларга, оналарга муносиб сўзни ҳали-ҳануз топа олмаганимиз, айта олмаганимизни ҳис этамиз. Дунё донишмандлари аёлни Яратганининг мўъжизаси, деб таърифлайди. Ойланган кўёши, деб улуглайди. Аёлни миллатнинг онаси, деб кўкларга кўтарди... Келажак — оналар қўлида, деб оғохлантиради...

Энди ҳар қанча ноҳус бўлса-да, аччиқ бўлса-да, уят бўлса-да, тасаввур қилинг: бизни ёруғ дунёга келтирган, оқ сут берган она, гулга қиёсланган, гўлдай гўзал, нозик, нафис аёл овозидан маҳрум этилиб, қўлига кишан солиниб, қамоққа ташланса!.. Аёл — Она қамоқда сақланса!..

Бу сўзларни айтадиган тил узилиб кетгудек бўлади, кесилиб кетгудек бўлади. Бу сўзларни эшитиб, қалбинг азоб-изтиробга тўлади...

Қамоқдаги аёл, маҳкумлиқдаги аёл, оиласидан, жамиятдан ажратилган аёл, боши эгик аёл, ёрдам сўраб, нажот кутиб ётган аёл... йиғлаётган аёл...

Улар сиздан кўзини олиб қочади, ерга қарайди, ўзини айбдор қилади. Адашганидан, жиноятга қўл урганидан пушаймон, минг пушаймон... Оиласи, фарзандлари олдида ўзини гуноҳкор ҳисоблайди, тиз чўкиб, улардан кечирим сўрашга тайёрлигини айтади.

Адашган, уйламай қадам босган аёллар, жиноятга қўл урган аёллар. Уларнинг юз-кўзларидега ҳам-алам муҳрлини қолган, илтижо муҳрлини қолган. Кўзларидан дув-дув ёш куйилади...

Наврўз байрамидан икки кун олдин Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 21-жазони ўташ колонияси мажлислар зали маҳкума аёллар билан лиқ тўлди. Қанийди шу зал тўлмаса, қанийди бум-бўш бўлиб қолса... Қанийди, ушбу муассасанинг ўзи ҳам ёпилиб кетса, таг-томири билан йўқ бўлиб кетса... Эҳтимол, қайсидир бир давлатда бундай қамоқхоналар керакдир. Аммо бизда, жаннат оналар оёғи остидадир. Аёл — мўъжиза, аёл муқаддас саналган юртда, оналар қадим-қадимдан улугланиб, энг олий зот, дея эъзозланиб, келинган халқда бундай муассаса бўлиши уят, даҳшат!..

Бироқ қонун талабини бажармаслик ҳам мумкин эмас, ким бўлишидан қатъи назар, қонун барчага баробар, жиноятга жазо муқаррар, дейилади. Бошқа бир савол кишини қийнайди, юракка ханжардек санчилади: Узининг аёллигини, оналигини, муқаддаслигини, дилбарлигини, зеболигини асраши, ҳимоя қилиши керак



Аммо ҳамоно оналар ҳақида сўз ахтарамиз: оналар ҳақида энг улуг гапни айтишни уйлаймиз, аёлларга, оналарга муносиб сўзни ҳали-ҳануз топа олмаганимиз, айта олмаганимизни ҳис этамиз.

Дунё донишмандлари аёлни Яратганининг мўъжизаси, деб таърифлайди. Ойланган кўёши, деб улуглайди. Аёлни миллатнинг онаси, деб кўкларга кўтарди... Келажак — оналар қўлида, деб оғохлантиради...

Қамоқдаги аёл, маҳкумлиқдаги аёл, оиласидан, жамиятдан ажратилган аёл, боши эгик аёл, ёрдам сўраб, нажот кутиб ётган аёл... йиғлаётган аёл...

Улар сиздан кўзини олиб қочади, ерга қарайди, ўзини айбдор қилади. Адашганидан, жиноятга қўл урганидан пушаймон, минг пушаймон... Оиласи, фарзандлари олдида ўзини гуноҳкор ҳисоблайди, тиз чўкиб, улардан кечирим сўрашга тайёрлигини айтади.

Адашган, уйламай қадам босган аёллар, жиноятга қўл урган аёллар. Уларнинг юз-кўзларидега ҳам-алам муҳрлини қолган, илтижо муҳрлини қолган. Кўзларидан дув-дув ёш куйилади...

Наврўз байрамидан икки кун олдин Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 21-жазони ўташ колонияси мажлислар зали маҳкума аёллар билан лиқ тўлди. Қанийди шу зал тўлмаса, қанийди бум-бўш бўлиб қолса... Қанийди, ушбу муассасанинг ўзи ҳам ёпилиб кетса, таг-томири билан йўқ бўлиб кетса... Эҳтимол, қайсидир бир давлатда бундай қамоқхоналар керакдир. Аммо бизда, жаннат оналар оёғи остидадир. Аёл — мўъжиза, аёл муқаддас саналган юртда, оналар қадим-қадимдан улугланиб, энг олий зот, дея эъзозланиб, келинган халқда бундай муассаса бўлиши уят, даҳшат!..

Бироқ қонун талабини бажармаслик ҳам мумкин эмас, ким бўлишидан қатъи назар, қонун барчага баробар, жиноятга жазо муқаррар, дейилади. Бошқа бир савол кишини қийнайди, юракка ханжардек санчилади: Узининг аёллигини, оналигини, муқаддаслигини, дилбарлигини, зеболигини асраши, ҳимоя қилиши керак

Қамоқдаги аёл, маҳкумлиқдаги аёл, оиласидан, жамиятдан ажратилган аёл, боши эгик аёл, ёрдам сўраб, нажот кутиб ётган аёл... йиғлаётган аёл...

бўлган бу улуг зот нега жиноятга қўл урди? Ўз шаънини, оиласини, фарзандларини нега уйламади?... Онаси қамоқда ётган боланинг, хоҳ қиз, хоҳ ўғил бўлсин, егани танига сингадими? Ҳар оқшом онасини уйлаб ётган бу болалар кўз ёшидан ёстиқлар ҳўл бўлиб кетади-ку... Уксиниб, елкасини қисиб, гоҳ тўқ, гоҳ оч вояга етаётган болалар тақдирини нима бўлади?..

Бу аёллар қандай жиноятларни содир этишганини, узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилинган? Қай бири гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиб, иккинчи, учинчи марта судланган, бошқаси қотилликда айбланган, фирибгарликни касб қилиб олганлари ҳам бор экан...

Бугун бу ерда Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг оқик суди мажлиси ўтади. Бунинг сабаби шундаки, жорий йил 14 март куни Олий суд раиси ўринбосари Х.Едгоров ва Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маруфова бу муассасада бўлиб, жазони ўтаётган маҳкума аёллар билан оқик мулоқот ўтказиб, уларнинг дардларини тинглаб, 15 нафарининг аризалари қабул қилинган. Ушбу аризалар қисқа фурсатда ўрганиб чиқилди ва бугун Олий Суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ҳамда жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг сайёр мажлиси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Холмўмин Едгоров оқик сайёр суд мажлисини бошлашдан олдин маҳкумаларни Наврўз байрами билан табриқлади. Президентимиз томонидан инсон шаъни, қадр-қимматини улуглаш, айниқса, хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган тарихий ислохотлар ҳақида тўхтади. Сўнгра Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати мажлиси бошланди. Шунининг алоҳида айтиш кераки, бу ерда ўта оғир жиноят содир этган, икки-уч марта судланганлар сақланади. Уларга қанча муддат жазо берилган бўлса, охириги кунигача ўтириши керак. Шу пайтгача шундай бўлган, жазо «кўнгириқдан кўнгириқкача» ўталган, яъни, «от звонка до звонка» деган қатъий қоида бўлган. Шу боис, улар нега ва нимага асосан озод этилаётгани билан қизиқдим.

— Аввало, замон ўзгарди, инсон тақдирига муносабат ўзгарди, — деди Холмўмин Едгоров. — Қолаверса, қилган ишдан юрак-юракдан пушаймон бўлиб, тавба-тазарру қилган, содир этган жиноятнинг ижтимоий ҳавфи, салбий оқибатлари-

ни тушуниб етганлиги, жазони ўташ пайтида бир неча бор рағбатлантирилгани, жазонинг асосий қисмини ўтаб бўлгани, соғлиги оғирлашгани, ёши 60 дан ошгани, оиласи, фарзандлари борлиги қаби жихатлар ҳисобга олинган, аризалар кўриб чиқилди. Лозим топилганлар жазодан муддатидан олдин озод этилади.

Суд жараёни бошланди, залга оғир, ҳажонли сукутат чўкди. Олий суд раиси ўринбосари Холмўмин Едгоров маҳкума Марипатхон Нишонова (1954 йилда туғилган) Жиноят кодексининг қайси моддалари билан жазога ҳукм қилинганини ўқиб эшиттирди. Унинг аризаси мазмунини билан суд ҳайъатини таништирди. Масала муҳокама қилинади. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г. Маруфова маҳкумани озод этилиши, уни бундан-буёнги тақдирига хотин-қизлар қўмитаси кафолат беришини билдирди. Адвокат ва прокурор суд қарорини ўзгартириб, М.Нишонованинг аризасини қаноатлантириш фикрини билдирди. Судланувчига охириги сўз берилди. У қилган жинояти оқибатини яхши англаб, хулоса чиқариб олган

— Эрим йўқ, уч нафар болам бор. Ўғлим оғир касал бўлиб қолди. Узоқ даволашга тўғри келди. Доридармонга пулим етмади. Қарзга ботдим. Сўнгра уйимга одам қўядиган бўлдим... Демак, у одам савдоси билан шуғулланган. Энг оғир ва уятли жиноят...

Бу аёлларнинг бирортасини қил-

17 нафар аёл ва 7 нафар эркек, жами 24 нафар жазони ўтаётган инсон Наврўз байрами арафасида оиласига қайтарилди.

ни, чин дилдан пушаймонлиги, тўрт нафар фарзанди борлигини, бундан буён ҳалол яшаб, меҳнат қилиб, фарзандлари тарбияси билан шуғулланишини йиғлай-йиғлай гапирди.

Суд ажрими ўқиб эшиттирилди: «...Жиноят ишлари бўйича Учқўрғон туман судининг 2009 йил 26 майдаги ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 7 июлдаги ажримининг Нишонова Марипатхонга оид қисми ўзгартирилсин.

М.Нишоновага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан тайинланган 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазо-

си 10 (ўн) йил 1 (бир) ой 10 (ўн) кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилсин.

М.Нишонова тайинланган жазо муддатини ўтаб бўлган, деб ҳисоблансин ва дарҳол жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинсин!..

Залда гулдурас қарсақлар билан йиғи овозлари кўшилиб кетди...

тезроқ чиқиб, узоқлашгинг келади. 17 нафар аёл қамоқдан озод этилганидан бироз бўлса-да энгил тортасан киши. Аммо юзлаб аёлларнинг кўзидега ёш билан боши эгик ўтирган ҳолати кўз ўнгимдан кетмайди. Улар бошини кўтаролмай, гуноҳоримиз, кечиринглар, демоқда... Биз озодликда юрганлар ҳам негадир уларнинг кўзига бемалол қарай олмаётгандекмиз,



Шу зайдда ушбу кун 5 нафар аёл қамоқдан озод этилди. Улар орасида 12 ёки 14 йилга озодликдан маҳрум этилганлари ҳам бор эди. Мана, ниҳоят, 10-12 йиллик туқтинликдан сўнг улар бу йилги Наврўз байрамини оиласи даврасида кўтиб оладиган бўлишди.

Шу кун жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди томонидан 5 нафар аёл ҳам жазони ижро этиш муассасасидан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди.

Шунингдек, ахлоқ тузатиш иши жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш ҳақидаги қарорлар бекор қилиниб, 2 нафар аёл ўз оиласи бағрига қайтарилди. Шу кун манзил — колонияда жазо ўтаётган 5 нафар аёл ва 7 нафар эркек, жазодан озод қилинди. Демак, 17 нафар аёл ва 7 нафар эркек жами 24 нафар жазони ўтаётган инсон Наврўз байрами арафасида оиласига қайтарилди.

Бир аёл суд мажлиси пайтида боши эгик ҳолича ўтирди. Ҳеч қимга, суд ҳайъатига ҳам қарамасди. Озодликка чиққанлар қаторида унинг номи ҳам айтилганда хўнграб йиғлаб юборди. Суд жараёнидан сўнг ундан нима учун қамалганини сўради.

— Эрим йўқ, уч нафар болам бор. Ўғлим оғир касал бўлиб қолди. Узоқ даволашга тўғри келди. Доридармонга пулим етмади. Қарзга ботдим. Сўнгра уйимга одам қўядиган бўлдим...

Демак, у одам савдоси билан шуғулланган. Энг оғир ва уятли жиноят...

Бу аёлларнинг бирортасини қил-

маҳкумлиқда қандайдир безовталиқ сезамиз, қандайдир бир туйғу улар кўзига тик қарашга йўл бермаётгандек туюлади, элас-элас бўлса-да улар олдида биз ҳам ўзимизни гуноҳкор сезамиз. Ота-она, қўни-қўшини, қариндош-уруғ сифатида, маҳалла оқсоқоли, фаоли, туман, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раҳбари, ҳоким сифатида айбдоримиз, сиёсий партия вакили, депутат сифатида айбдоримиз. Қамоқхоналардаги бу аёллар бизнинг ишимиздаги ҳатоларимиз, жамиятимизнинг азоблари, фожиалари... Беларволимиз, лоқайдлигимиз оқибати булар. Одамлар арз-доди, кўз ёшларига бағритошлигимизнинг жавоблари булар. Қўлдан-қўл давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотларининг таъсирсиз, самарасиз иш услубининг аччиқ мевалари булар.

Биз қозғаларда ҳисоботларни ошириб-тошириб ёзишга, гулдурас қарсақлар чалишга мойилмиз. Ёлгон ҳисоботларга, ёлгон чапақларга кетган вақтни, кунчи битта кичкина амалии ишга сарфласак, фойда эмасми? Гулдурас қарсақлар билан нимагадир эришганда, совет ҳукумати эришган бўларди. Қайтага йиллар давомида залларни титратган қарсақлар бу қудратли давлатни йиқитди...

Маҳкума аёлларни уйлаб, хаёлга бир фикр келади: агар бундан икки-уч йил олдин Президент виртуал қабулхонаси очилмаганда, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилмаганда, одамлар давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари одамларга хизмат қилиши керак, деган гоя илгари сурилмаганда, йил ўн икки ой пойтахтдан нарига чиқишни хушламайдиган давлат идоралари раҳбарлари, депутатлар узоқ-узоқ туманларга, қишлоқларга сафарбар этилмаганда, одамларнинг катта-кичик муаммолари жойида ҳал этилмаганда, нима бўларди?..

Муаммолар устига муаммолар қўшилди, одамлар ташвиши ортди, йиғлаётган аёллар кўларди. Аёллар йиғлаётган бўлса, эркеклар бошини банд кўтариб юришга ҳаққи йўқ. Аёллари йиғлаётган жамиятнинг эса сукут сақлашга ҳаққи йўқ. Йиғлаётган биргина аёл ҳам жамиятни бедор қилиши, ўйлантириши, оғриқли саволларга жавоб излашга мажбур қилиши керак.

Аёллар қамоқхонасидан қайтаётиб, ана шундай аччиқ гаплар хаёлдан ўтди...

Сафар ОСТОНОВ, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист.



Остона шаҳрининг номи ўзгарди



Қозоғистон Президенти матбуот хизмати хабар беришича янги давлат раҳбари Қосим-Жўмарт Тўқаев мамлакат пойтахти Остона-ни Нур-Султон дея қайта номлаш тўғрисида фармон имзолади. Унга қўра, Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳри — Қозоғистон Республикаси пойтахти Нур-Султон, дея қайта номланиши белгиланган. Фармон эълон қилинганидан бошлаб қайта қилган. Президент шу куннинг ўзидаёқ мамлакат Конституциясига ўзгартириш киритиш ҳақидаги қонунга ҳам имзо чеккан.

Остона номини мамлакатнинг биринчи президенти Нурсултон Назарбоев шарафига қайта номлаш ташаббуси 20 март куни янги президент Тўқаев томонидан билдирилган. У биринчи президент номини абадийлаштириш мақсадида шаҳарлардаги марказий кўчаларга ҳам Нурсултон Назарбоев номини беришни таклиф қилган. Парламент ўша кун қўшма йиғилишда мамлакат конституциясига тегшли ўзгартиришларни қабул қилди.

19 март куни Қозоғистоннинг биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев ўз ваколатларини топиришини маълум қилди. Конституцияга қўра, президентлик лавозими Сенат спикери Қосим-Жўмарт Тўқаевга ўтди. 20 март куни у давлат раҳбари сифатида ишга киришди. Тўқаев 2020 йилнинг апрелигача, яъни кейинги президентлик сайловига чад давлатни бошқариб. 20 март куни Тўқаевнинг ўрнига Нурсултон Назарбоевнинг қизи Дариға Назарбоева Сенат раиси этиб сайланди.

Украина президентлик сайловига ҳар томонлама ҳозирланмоқда

Сайлов яқинлашгани, сайин-миш-мишлар ҳам, баёнотлар ҳам қўлаймоқда. Шунингдек, Россия билан чегарада вазият кескинлигича қолаётгани, аммо назорат остида экани айтилмоқда. Айни вақтда назорат пунктларида ва



уларнинг ташқарисида ҳам чегара патруллари мавжуд бўлиб, жараёнга бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам жалб этилган. 14 март куни Украина «Яценюк девори» лойиҳасига қайтганини маълум қилди. Чегара ҳудудида турли тўсиқлар ўрнатилмоқда. Қурилиш ишлари 2021 йилда якунланиши режалаштирилган.

Украинада президентлик сайловлари шу йил 31 март кунига белгиланган. Сайлов бюллетенларида 39 нафар номзод кўрсатилган. Сайлов олди кампанияси даврида актёр ва комик Владимир Зеленский, собиқ бош вазир Юлия Тимошенко, амалдаги президент Петро Порошенко ҳамда «Мухолиф» платформа — Ҳаёт учун» партияси асосчиси Юрий Бойко етакчилик қилаётгани айтилмоқда.

Таиландда парламент сайлови бўлиб ўтди

24 март куни Таиландда 2011 йилдан бери илк парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сайлов уасткалари соат 17:00 га қадар ишлади.

Овозларнинг катта қисми 4 та асосий партия ўртасида тақсимланиши кутилмоқда. Сайловларда иштирок этишга партия рўйхатлари бўйича 2,8 миндан кўпроқ номзод қўйилган. 44 та партиядан 68 номзод бош вазир лавозими учун курашади.

Аҳолиси 69 миллионлик Таиландда 51,4 миллионлик киши овоз бериш ҳуқуқига эга. Мамлакатда 2014 йил майда ҳарбий тўнтарув амалга оширилган. Исён оқибатида ҳокимият тасласига генерал Прают Чан-Оча келиб, бош вазир лавозимини эгаллаган. У ўзи томонидан бошланган сиёсий ислохотларни якунлаган, парламент сайловларини ўтказишга ва мамлакатни демократия йўлига қайтаришга ваъда берганди.

Жорий йилнинг 9 май куни парламент сайловининг якуний натижалари эълон қилинади. Дастлабки маълумотларга қўра, мухолиф партия етакчилиги қўлмоқда. Айни пайтда генерал Прают Чан-Оча бошчилигидаги партия иккинчи ўринда.

Мухолиф партиядан ҳукумат раҳбарлигига кўрсатилган номзод Сударат Кеоракхан журналистига: «Бизни ҳозирда асосан сайлов жараёни шаффоф ўтгани қизиқтирмоқда. Истагимиз ушбу овоз бериш бутунлай халқ истагини акс эттириб, хоҳишларини амалга оширсин», деди.

Интернетдаги хабарлар асосида тайёрланди.

Олимлар ва талабалар ҳамкорлиги илм – фан тараққиётига хизмат қилади.



ЎЗБЕКИСТОН – ИСРОИЛ:

Университетларнинг қўшма дастурлари илм-фан ривожига хизмат қилади

Исроил давлати ўзининг бой маданий-тарихий обидалари, диққатга сазовор жойлари, шунингдек, юқори даражада ривожланган иқтисодий билан дунёга машҳурдир. Бу ерда Благовещение ибодатхонаси, Авлиё Гавриил черкови, Сепфорис миллий парки, Рождество Христово ибодатхонаси, авлиё Иеронимнинг хужраси, Кармелий ордени монастири, Илья пайгамбарнинг гори, Бахитлар ибодатхонаси, Хайфа синагоги, Бурж-ал-Султон куриқлаш минораси, Авлиё Франциск монастири, Кейсария Миллий боғи, шоҳ Ироднинг амфитеатри, ибодатхона мажмуининг харобалари каби тарихий жойлар ҳар дом сайёҳларнинг диққат марказида бўлиб келган. Бу мамлакатда фан-техника тараққиёти,

ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш энг юқори даражага етган. Исроил ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлиги 25 йилдан ошди. Ўзбекистонни Исроил дўст мамлакат, қатор соҳаларда ишончли ҳамкор ҳисоблайди. Исроилликлар икки мамлакат ўртасида маданий ва сиёсий алоқаларнинг мустаҳкамланишида Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Тошкент каби шаҳарларда туғилиб ўсган, ҳозирда Исроил фуқароси ҳисобланадиган кишилар хизматини эътироф этиб келишади. Икки мамлакат ўртасида табиий бойликларни тежайдиган ва энергетик жиҳатдан самарадор технологияларни жорий қилиш, мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат тармоқлари, тиббиёт ва фар-

мацевтика, туризм соҳаларида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси халқларимиз манфаати йўлидаги икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Утан йиллар давомида Исроил давлатининг бир қатор университетлари билан ҳам доимий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Жумладан, 2018 йил октябрь ойида Холон технологиялар университети ректори ва бир гуруҳ олимлари Самарқанд давлат университетига ташриф буюриб, илмий семинарлар, маҳорат дарслари ташкил қилинди. Самарқанд давлат университети ва улар томонидан олиб борилаётган таълим дастурлари таҳлил қилинди. Шунингдек, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб Исроилнинг Холон технологиялар университети билан «Саноат математикаси» мутахассислиги бўйича икки

ташриф буюрди. Исроил элчиси ҳамда унга ҳамроҳлик қилган матбуот котиби Владимир Лопатченко СамДУнинг Конфуций майдонига ташриф буюриб, хиёбонни кўздан кечиришди. Шундан сўнг, университет ректори ва элчи жаноблари ўртасида бўлиб ўтган қисқа муддатли суҳбат чоғида икки томонлама фойдали ва манфаатли, олий таълим тизимини янада ривожлантиришга оид келишувга эришилди. Жумладан, Самарқанд давлат университети қошида ташкил этилаётган Халқаро таълим дастурлари марказида Исроилнинг бир қатор университетларининг қатнашиши ва улар томонидан олиб борилаётган таълим дастурлари таҳлил қилинди. Шунингдек, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб Исроилнинг Холон технологиялар университети билан «Саноат математикаси» мутахассислиги бўйича икки

томонлама диплом бериш йўлга қўйилди. Икки мамлакатнинг олий таълим муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик, олий ўқув юрталари ўртасида талабалар алмашуви фаол йўлга қўйилди. Шунингдек, шу йилнинг май ойида «Илм фан, таълим, технология ва тиббиёт» муаммоларига бағишланган халқаро илмий анжуман ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Исроил давлати олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорликни ривожлантириш бугунги кунда илм-фаннинг турли жаҳаларида тадқиқотлар олиб боришда янги-янги имкониятлар очилишига имкон беради. Бундай маърифий алоқалар, таълим сифатини, ёш олимлар тадқиқотлари самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз мухбиримиз.

СИНМАГАН СУРХОН ҚИЗИ


Ҳайратларим сурати

Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

АҚЛ АҚЛДАН КУЧ ОЛСИН

Эҳ, нодон одам, сен рақибим деб уйлаган одамгагина эмас, Оллоҳнинг уйига ҳам ҳужум қилаётганини наҳоти тушунмайсан?! Ахир, ўз уйинга ўзинг ўт қўйсан-ку! Темир сағаналар ҳар тортилганда майитлар озор чекмайтими-кан?! Қабристонга озор бериш, тош отиш жиноят, имонсизлик эканлигини наҳоти тушунмайсан?! Ахир, бир кун ўзинг ҳам шу маконда кўним топасан-ку... Сен ҳўрлаётган, топтаётган тупроқлар сени бағрига олармикан?! Наҳоти, кечанига аҳил-иноқлик, ҳамжиҳатликда қабристон деворларини тиклаган сажий қалблар орасида сендек гапамиз, ичи қоралар ҳам бўлган бўлса?! Ақлнинг ишлат, ақлнинг яхшиликка сарфла, инсон! Инсон ақл-хушини ўз қавмдошлари хотирасига қарши ишлатгани тирекларни оёқ ости қилиши билан баробар.

Бундайларни ким деб атамоқ жоиз? Айир отдек куч-қувватингизни яхшилик учун сарфласангиз, инсон мижозисиз, акс ҳолда жоҳилсиз, аламаздасиз, баҳилсиз, баҳил... Одамга ақл нима учун берилди? У одамлар ўртасидаги адоватларга нукта қўя олин. Ақл низолар, келишмовчиликлардан устун келиши керак. Шунда ақлга раҳмат, дейсан. Шунда ақлни бошқара олган инсонга тасаннолар айтсан!



Бойсуи тумани Дарбад қабристони.

... Аҳвол негадир ўзгармади... Икки уруғ-аймоқ, тарафқашлар орасида Бордиқетди гаплар ҳамон давом этарди. Оқ фотика берган қишлоқ улуслари, оқоқоллари ҳам негадир бу мантқиқсиз келишмовчиликларга лоқайд қараётгандай, Узаро низоларга чек қўйиш учун астойдил киришмаётгандай...

Туфаннинг боши қотиб қолди. Юраги қонга тўлди... Шундай кезларда у кундузи ми ёки кечасими қараб ўтирмас, онаизори бошига етиб келарди. Бу гап ҳам шундай бўлди. Қабристон узаро аллақачон қоронғулик қўрғаси тўшалган, унда бунда милтиллаб қўриқилган ёғдуларни ҳисобга олмас, ҳаммаёқ зимистон эди. У бир қўлида фонар, иккинчи қўлида чепак тўла сув гулларини сугориб борар, онаси бошига келганда ерга узини таппа ташлаб, айоханнос солиб юборди...

Бу изтиробларда, кўз ёшларида армон ҳам, алам ҳам, наҳотсизлик, муштипарлик ҳам акс-садо берарди... Бирдан осмон узаро момақалдиқроқ гулдираб, гулдирақлар ичра онасининг мушфиқ овози келгандай бўлди:

– Қаддинчи кўтар қизим, кўз ёшларингни арт қизим!... Ҳазрати Мусо алайҳуссалом ҳам фиръовн қавмидан сенга ўқшаб ёлғиз, бечора, оч ва даҳшатга тушган ҳолатда қриб чиққанларидея айтадиларки: «Парвардигор, ёлғизман, хастаман, бечораман!» Шунда у кишига шундай жавоб бўлибди: «Эй, Мусо, мендек дўсти бўлмаган киши ёлғиздир, мендек табиби бўлмаган одам хастадир, мен билан алоқани узган кимса бечорадир».

Султон сўягини хорламас, қизим! Сен кимларнинг зурриёти эканингни унутма! Сен елкаси ерга телмаган Боймурод полвоннинг, машҳур Рамазон чавандознинг, кайвони бувиқонларининг набирасинан! Сен 42 йил кўз нурини, қалб қўрнини тўкиб, ўқувчиларга математика фанидан дарс берган, эл-орт хурматиға сазовор бўлган муаллим Жума Боймуродовнинг фарзандисан. Жисму қонингда, танандаги қирқ бон томирингда ана шу аждодларнинг қони оқаётгани билан фахрлан! Бу қўлтуғ қонлар сени ҳўрлатиб қўймайди, аксинча улар сенга куч-қувват, ҳаёт бағишлайди. Ахир ҳазрат Навоий: «Сабр билан кўп болтик иш очилур, ишда ошқан кўп тойилур, кўп тойилган кўп йиқилур», деганлар.

Азиз фарзандим, сен Оллоҳим назари тушган инсонсан! Рухларимиз мадақкор бўлсин...

Бирдан қабристон узаро ёпирилган қора қўрпа чирпирақ бўлиб қўтарилиб кетгандек бўлиб, осмон узаро чарчлаган юдузлар, жилмайиб турган оймама кўринибди... Бирдан ҳаво очилиб кетибди. Бирдан осмон ёришиб кетибди. Бирдан қўнғилига янгидан-янги фикр, туйғулар қўйилиб кела бошлабди...

– Ганимлар нафақат оиламиз шайнига, балки халқ овозига ҳам қарши чиқилляпти, онажон, кўнчилини менсиз-маепти... Халқ, эл-орт қарори шунчаки «ўйин» эмас, балки икки эгизлиги шарт бўлган қўнун эканини наҳоти тушуниб етишмаётган бўлишса?! Одамлар, наҳоти, дуога қўл очиб, берган ваддаларини ўзлари ҳимоя қилишга олмасан?! Улар қарақт, улар улоқ... Уларни мен уйғотмасам, ким уйғотади, она, ким?!

Туфага снайзор нидолари куч берганди. Қолаверса, инсонга дард, алам ҳам куч берар экан! Дард кучисини кучли, кучлини янада кучли қиларкан. Туфа тутинган отаси бўлиши Дарбадний хузурига ошқиди.

– Давлат ҳокимияти томонидан қабристонга онанинг номи берилиши ҳақида қарор чиқарилиб, бу қарор амалга оқмас экан, ганимларим қабристон гўё меннинг шахсий мулкимдек тошбурон қилишаверади, – деди Туфа...

Улар эртасигаёқ бошлашиб Музработ ҳокими қабулига етиб келишди. Бу пайт туман ҳокими алмашган эди. Аксинчи олиб ўша кунни ҳам, эртаси ва индини ҳам, бир-икки ҳафталаб қатновлар ҳам самара бермади, улар учраша олмадилар. Бир кун мажлисга кетган дейишса, эртаси қайсидир ҳўқалиқни текширишда дейишди...

Ҳоким Уринбосарларига айтиб, тайинлаб, илтимос қилиб кетишган маълумотлари, шикоятлари раҳбарга етказилмагани, уларни ҳокимият бирор марта ҳам йўқламади. Балки, қабристонга оид масала жўшқин қишлоқ ҳўқалиғига доир пахта, гаппа, богдорчилик каби ёниб турган кундалик муаммолар олдида жуда майда гап бўлиб туюлди, ҳулласи калом, муросаатлар эътиборсиз қолаверди...

Муросаатларига эътиборсизлик, белгисизлик билан қараган сайин Боймуродова бу масалани ҳал қилишига эътибор, қатъийлик кучаяверди. Одатда инсон ўз ниятларини амалга ошириш учун курашаётганда бунга қаршилик пайдо бўлса, мудофаа ҳам кучаяркан. Туфа энди мудофаа қўрғонлари ошқаргани бир-бир тақиплата бошлади. Улардан

наҳот, ёрдан кутди. Сурхондарё вилоят ҳокими билан учрашди у ёқда туринди қабулхонасига йўлатишмади. Энди у қўлига қалам олиб, ёзма равишда вилоят мутасадди ташкилотларига муросаат қила бошлади. Мутасадди ташкилотлар эса унинг шикоятларини қўриб чиқиш учун яна Музработ тумани ҳокимиятига жўнатавердилар...

Сурхондарё вилоти табиати муҳофаза қилиш кўмитаси, «Ерегодездедастр» давлат кўмитасига қилган муросаатлари омадди келди, ҳар қалай шундан сўнг нихоят, туман ҳокимияти бу масалага аралашди. Қўлимда 2014 йил 6 январда «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг икки эшит юзасидан Вазирлар Маҳамасининг 2012 йил 16 октябрдаги 295-сонли Қарори ва вилоят ҳокимининг 2012 йил 20 октябрдаги 232-сонли ҳамда Музработ тумани ҳокимининг 2012 йил 25 октябрдаги 327-сонли қарорларининг баҳарчилиши юзасидан «Юртим жамоли» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий комиссиясининг мажлиси бўлиб:

Кўн тартибда битта масала: «Юртим жамоли» маҳалла фуқаролар йиғини Жартега қишлоқдаги янги ташкил этилган қабристонга ном бериш тўғрисида.

Йиғилишда маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари, маҳалла фаоллари, маҳалла посбонлари, диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилардан иборат юздан ортиқ вакил қатнашган. Шунингдек, ҳудудий комиссия аъзолари, туман имом хатиби Б.Қосимов, ҳудуддаги 21, 51, 46-мактаблар директорлари, туман қорхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари, Ю.Гагарин ҚВБ ходимлари, Халқобод ҚФЙ оқоқоллари ҳам иштирок этдилар.

А. Одинаев – Халқобод ҚФЙ фаоли, оқоқол.

– Мен Робия момонинг дафн маросимига қатнашганман. Майитни янги қабристонга қўйиш тарафдори бўлганман. Булун дарбадлик 141 фуқаро янги қабристонга «Биби Робия» номини беришни сўраб, мени вакил қилиб жўнатишди.

С. Нурмаҳматов – Ат-Термизий маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

– Биз демократик давлатда яшаёмиз. Биз Ўзбекистон фуқароларимиз. Маҳалладошларимдан 23 киши мени бу йиғилишга кузатаётди, қабристонга момо номини бериш ҳам қарз, ҳам фарз, наҳини, Робия момо янги қабристонга қўйилган биринчи майит, ўн фарзандини дунёга келтириб, вояга етказган Қаҳрамон она. Йиғилиш қатнашчиларига илтимосимизни етказиб, дейишди.


Ж. Ёқовчиёв – «Юртим жамоли» маҳалласи оқоқоли.

– Янги қабристонга жой ажратилган қарамасдан шу пайтгача дарбадликлар илгарикидек ҳаётдан кўз юмган яқинларини Бойсунга олиб кетаверишди. Робия момо вафоти бу азоб-ўқубатларга чек қўйди. Юқоридagi тақдирларга қўйилмаган.

Дилбар МАҲМУДОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Пойтахтимиз Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган I халқаро Тошкент ярим марафонига мезбонлик қилди. Тадбирнинг очилишига бағишланган тантанали маросимда ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, спорт юлдузлари, машҳур маданият ва санъат арбоблари, дипломатлар ва халқаро ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



I ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ ЯРИМ МАРАФОНИ

Унда 28 давлатдан 1650 нафар атлет қатнашди.



Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Енгил атлетика федерацияси, Ёшлар иттифоқи ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкил этган марафонда 28 давлатдан келган 1650 нафардан ортиқ профессионал ва ҳаваскор атлет 5 ва 21 километр масофаларга югурди. Мамлакатимизда ёш авлодди жисмонан ва маънан соғлом этиб тарбиялаш, спортни ривожлантириш, бу жараёнда олимпия спорт турларини янада оммалаштириш, жаҳон майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия уйинларига тайёрлаш, жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, нуфузли халқаро мусобақа-

ларда юксак натижаларга эришган спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантиришга оид қарорлари соҳа ривожига муҳим дастуриламал бўлмоқда. I халқаро Тошкент ярим марафони иштирокчилари Афрозиё, Нукус, Абдулла Қодирий, Мустақиллик шоҳқўчалари бўйлаб метронинг Буюк ипак йўли бекатига, кейин Мирзо Улугбек, Тараққиёт кўчалари орқали Амир Темур майдони, Ўзбекистон кўчаси, Мустақиллик майдони, Абдулла Қодирий ва Абай кўчалари бўйлаб югуриб ўтди. 21 километр масофали баҳсда эркаклар ўртасида хитойлик Ли Янг барча рақибларини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади. Ундан кейин финиш чизиги киргизистонлик Аделет Киштабеков ва ҳамюртимиз Андрей Петров этиб келди. Хотин-қизлар орасида бу йўналишда киргизистонлик Дарья Маслова ғолиб бўлди. Икки нафар атлетимиз – Ситора Ҳамидова ва Екатерина Тункусова

шоҳсуланинг иккинчи ва учинчи поғонасидан жой олди. – Ўзбекистон халқининг самимияти ва меҳмондўстлиги ҳавасмизни келтирди, – дейди мусобақа ғолиби Ли Янг. – Бугунги марафон юксак савияда ташкил этилган мамлакатимизда спорт ривожига улкан эътибор қаратилаётганидан далолатидир. Албатта, ғолиб бўлганимдан жуда хурсандман. Насиб қилса, мамлакатимизда ўтказиладиган кейинги марафонларда ҳам иштирок этаман. 5 километр масофага ўтказилган пойгада Отабек Тошқуватов, Хумоюн Маҳмамов ва Хуршид Аҳмадалиева тенг келадиган топилмади. Ушбу масофада қизлар ўртасида ўтган баҳсда Азизахон Мирзаакбарова, Шоҳсанам Хуррамова ва Маржона Баратова кучли учлики эгаллади. Марафон доирасида халқ сайиллари ўтказилди.

Ж.ТОШҲУЖЕВ, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистонда 250 мингдан ортиқ ўсимлик тури бўлса, уларнинг 100 мингдан ортиги аллергия келтириб чиқаради.

Мавсумий аллергиянинг давоси борми? Мутахассислар жавоби билан танишинг

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

Кундалик турмушимизда турли кимёвий воситаларнинг кўп қўлланилиши, нотўғри овқатланиш, экологиянинг бузилиши, шунингдек, электроника маҳсулотларидан мунтазам фойдаланишимиз аллергияга сабаб бўлмоқда. Масалан, унинг турлари кўп: нафас йўллари, тери, озиқ-овқат, дори ва ҳашарот аллергияси мавжуд. Уларнинг ичида мавсумий аллергия ҳам борки, у тиббиёт тилида поллиноз, деб аталади. Ўсимликлар чанги сабаб бўлувчи бу касалликка чалиниш асосан март, апрель ойларидан бошланиб, бошоқли, шўра ва шувоқ ўсимликлари гуллаши даври — кеч кузгача давом этади. Айниқса, мевали дарaxтлар гуллаганда кучаяди. Агар вақтида эътибор қилинмаса, мана шу поллиноз ҳам кейинчалик сурункали астма касаллигига олиб келар экан.

Хўп, поллиноз жиддий касаллик экан. Унга қарши курашиш учун бизда ва хорижда қандай тажриба ва усуллар бор?

Ақида АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент ботаника боғи
Анатомия ва цитозембриология
лабораторияси катта илмий
ходими:

— Поллиноз касаллиги ўсимлик гули чанги билан боғлиқ ҳас- талик бўлгани учун ундан буткул қутулишнинг иложи йўқ эди. Шифокорлар унинг белгиларини ка- майтириш учун айни баҳор мав- сумида бемор ўзини чангдан ҳи- моси қилишни, бурун бўшлигини тузла сув билан чайиб туришни, парҳез қилиши ва турли зарarli одатлар — ичиш, кечишдан воз- кечишни тавсия қиларди. Шунинг- дек, бемор мавсум пайтида бир муддат илжори борица тоғ ва то- голди ҳудудда истиқомат қилиши- ни ҳам таъкидларди, чунки тоғда ўсимлик ва гуллар нисбатан ке- чроқ гуллайди. Тўғри, мазкур та- ссиялар беморни бу касалликдан бирмунча асраши мумкин. Лекин аллергия мавсуми вақтида бир ҳудуддан бошқа ҳудудга бориб яшашга ҳаммининг ҳам шароити тўғри келмаслиги мумкин.

Ўзбекистонда ўсимлик гули- нинг чанги яхши ўрганилмаганли- ги учун шу вақтга қадар беморлар қоридидаги каби чоралар қури- шига тўғри келарди. Лекин дунё тажрибасига қарайдиган бўлса, мазкур ҳолатга қарши курашиш учун нисбатан қулайроқ усул мав- жуд экан. 2018 йили Австриянинг Вена университети олимлари Ўз- бекистонда ўсимлик чанги муам- мосига қарши курашиш бўйича та- шаббус билдиришди. Жорий йил январь ойда мамлакатимиздан 4 нафар мутахассис гул чанги бў- йича тажриба ошириш мақсадида Австриянинг Вена университетига юборилди. Бу бизда мазкур соҳа- ни янада кенгайтириш учун илк қадам ҳисобланади. Улар Вена университетидеда чанг бўйича дунё- нинг етакчи олимларининг маҳорат дарсидеда, тажриба синовларида қатнашди ва Ўзбекистонда уни йўлга қўйиш бўйича тавсия олиб қайтиб келишди.

Бу иш 3 босқичдан иборат ва уч йилда амалга ошади. Биринчи босқичда чанг аллергиясига хос бўлган ўсимликлар ҳудуд миқсо- да ўрганилади. Чунки, ҳар бир ви- лоятнинг ўзига хос ўсимликлари, аллергия берувчи чанглари бор. Ушбу ўсимлик чанглари ҳам ҳар хил хусусиятга эга. Ҳатто Тошкент шаҳрининг ўзида ҳам 10 та чанг қопқони қўйилмоқчи. Масалан, чўл ўсимликларининг чанги май- да бўлиб, учувчан бўлади. Йирик- роқ маданий ўсимликларнинг чан- ги ёпишқоқроқ бўлиб, кўпроқ ўз атрофига тарқалади. Чанглари- нинг шаклига қараб уларнинг тарқали- шини ҳам турлича бўлади. Кузда яна ҳам бошқача. Чанглари- нинг спора- палини, деган ёпишқоқ моддаси бор. Масалан, чанглари бир-бири- га ёпишиб, бир вазн сифатида ёки жуда ҳам майда унинг қукунига ўхшаб тарқалиши мумкин. Айниқ- са, чўлда тарқалган ўсимликлар, шўрадошларнинг чанглари нафас йўлига кўпроқ ёпишиб, йўтал ва акса уриш ҳолатларини чиқаради.

Бир ҳудудда кўп бўлган ўсим- лик чанглари қайсидир ҳудудда камроқ учраши мумкин. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудуд учун алоҳида рўйхат тузилади. Чанг қопқон лентасидан кесиб олина- ди, препаратлар ўрганилади ва

шу ҳудудга 25-30 турга мансуб чанг учрайди, дейилади, шуни рўйхати берилади.

Иккинчи босқичда мазкур рўй- хатга асосан тиббиёт ходимлари кўмагида чангга қарши аллерген ишлаб чиқарилади. Учинчи бос- қичда ҳар бир ҳудудда яшовчи аҳоли учун зардоблар тарқати- лади. Бу зардобларни ишлаб чиқишнинг жуда катта фойдаси бор. Яъни, бемор чанг аллергия- си мавсуми бошланишидан олдин зардоб ичишни бошлайди. Зар- доб чанг аллергиясининг олдини олишга, ёрдам беради. Оз миқ- дорда ичиб борилади ва йилдан- йилга беморнинг чангга нисбатан аллергияси камаёди, яшаши ҳам осон бўлади.

Тадқиқотлардан маълумки, шаҳар аҳолисининг 75 фоизи, қишлоқ аҳолисининг 25 фоизи поллиноз касаллигидан азият чекади. Атмосферадаги чиқинди бирмунча асраши мумкин. Лекин аллергия зарarli бўлган оксидант моддаларини ўзида кўпроқ тутиб қолади. Шунинг ҳисобига шаҳар ҳудудидаги чанг тосароқ муҳитда- ги чангга нисбатан аллергия чақи- ришга мойил бўлади. Шунинг учун шаҳарга тарқатиладиган зардоб- лар вилоятлардагига нисбатан фарқ қилади.

Масалан, терак чанг донача- лари ўта хавфли аллерген ҳи- собланмаса-да, инсон танасига тушгандан сўнг унинг шиллиқ қа- ватини тирнар экан. Бошқа кучли аллерген чанг доначаларининг ўша тирналган шиллиқ тери қава- тига тушиши ҳисобига кучли бир реакцияни келтириб чиқаради.

Чанг қопқони қандай вазифа- ларни бажаради? Бу ускуна қана- қа қўйилган иборат ва уни йўлга қўйиш бизга қандай энгил- лик келтиради, каби саволларга Австриянинг Вена университети- да малакасини ошириб келган мутахассислар жавоб беради.

Хонсулов СОҲИБНАЗАРОВА,
Инновацион ривожланиш
вазирлиги қошидаги Илғор
технологиялар маркази кичик
илмий ходими:

— Сўнгги маълумотлар бўйи- ча Ўзбекистон аҳолисининг 33-35 фоизи аллергик ринит, конъюнк- тивит, астма, атипик дерматит билан касалланган бўлиб, шу- лардан ринит 73 фоизи ташкил этади. 2007-2009 йилларда ёш- ларда 45.5 фоиз, ёши катталарда 33 фоизи ташкил қилган. Унинг бугунги кунда кўпайишига асосий сабаб — ҳозирда оддий боғларда ҳам ландшафтлаштириш бош- лангани туфайлидир. Яъни ҳар хил жойлардан турли ўсимликлар олиб келинмоқда, манзарали, гул- ли, оддий дарaxтли, бутали ўсим- ликлар кўпайтирилмоқда. Булар ҳам поллиноз каллигини кўпайти- ради.

2009 йили Тошкент шаҳри- нинг Чилонзор ва яна бир туман- нинг чинор ва тол дарaxтларининг чанги аллергия келтириб чиқаради, деб уларнинг барчаси кесиб ташланганди. Аллергия тарқатмайди, балки ҳавони то- залайди, деб арча ва қарағай дарaxтлари кўплаб ўтказилди. Ҳозирга келиб ёши катта фуқа- роларимизда чинор ва толларга нисбатан аллергия кўп бўлса, ёшларда аксинча, бу дарaxтлар



чангларида аллергияга мойил- лик кам, лекин арча ва қарағай ўсимликларининг чанглари улар- да аллергия кўпайишига сабаб бўлган.

Ҳозир қилишимиз керак бўлган асосий иш ўсимликларнинг гул- лаш календарини тузиш. Ўсим- ликлар ва дарaxтлар кузда ёки баҳорда қачондан бошлаб гулла- шини ва қачон гуллаш вақти туга- шини аниқлашимиз керак. Дарaxт- лар гуллаши ҳозирги вақтда ик- лим шароитига қараб ўзгармоқда, эрта содир бўлиши ҳам мумкин. Масалан, қишнинг охирида ҳаво исиб кетиши ҳисобига февралдан бошлаб дарaxтлар Жиззах, Қаш- қадарё ва Сурхондарё вилоятла- рида эрта гуллайди.

Чанг туладиган қопқонимиз Тошкент шаҳрининг иккита ҳуду- дида — биринчиси — «Доктор Мақсудова» клиникасида, иккин- чиси — Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Илғор техно- логиялар марказида жойлашган. Кейинчалик уларни вилоятларга ўша тирналган шиллиқ тери қава- тига тушиши ҳисобига кучли бир реакцияни келтириб чиқаради.

Чанг туладиган қопқонимиз Тошкент шаҳрининг иккита ҳуду- дида — биринчиси — «Доктор Мақсудова» клиникасида, иккин- чиси — Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Илғор техно- логиялар марказида жойлашган. Кейинчалик уларни вилоятларга ўша тирналган шиллиқ тери қава- тига тушиши ҳисобига кучли бир реакцияни келтириб чиқаради.

Австриянинг Вена универси- тети олимларининг аэробология соҳасида тажрибаси катта. Бизда қилинмоқчи бўлган ишлар уларда аллақачон қилинган ва ҳозир ҳам қилинаёпти, поллинозга қарши препаратлар мавжуд, календар тузиб бўлинган, аллергия билан оғриган ҳар бир беморнинг теле- фониде календарь бор. Ушанга қараб, препаратлар қабул қилина- ди. Мазкур ишлар бизга яқин ша- харлардан фақат Россияда қўлла- нилаётган экан.

Улар энди ўз тажрибасини биз- га ўргатишмоқчи. Нимага айнан

чет мамлакатларда уларнинг тур- дошлари бўлиши мумкин. Лекин айнан ўша ўсимлик учрамайди. Биздаги ўсимликлар ҳақида ин- тернетда етарли даражада маъ- лумотлар бўлса, бизга саёҳатга келаётган инсон ўз ҳолатидан келиб чиққан ҳолда тайёргарлик қуради.

Наргиза РАҲИМОВА,
Тошкент ботаника боғи
Анатомия ва цитозембриология
лабораторияси мудир:

— Биздаги маълумотларга қўра, бугунги кунда юртимизда минглаб инсонлар мавсумий аллергиядан жабр кўрмоқда. Айниқса, баҳор мавсуми бошланиши билан аллер- гияга мойил бўлган инсонларда бу жараён жуда ҳам оғир кечади. Аф- суски, аллергенларга мойил бўлган фуқароларимиз ўзларида касаллик белгилари намён бўлгандан кейингина бу ҳақда хабар топишади. Айрим хорижий давлатларда эса чанг доначаларини йиғувчи қопқон мосламаларининг мавжудлиги пол- линоз касаллигига чалинган инсон- ларнинг ишини бирмунча осонла- штиришга хизмат қилаёпти.

Мисол учун, Австриянинг Вена тиббиёт университети ўз вақтида Европа аэроаллерген тармоғи- ни ташкил этиб, 600 га яқин чанг йиғувчи қопқонларни турли мам- лакатлар шаҳарларига тарқатган. Мисол учун, ҳозирги кунда Укра- нада 8 та чанг қопқони ўрнатилган ва табиийки 8 та чанг мониторинг- ги бўйича станциялар фаолият олиб бормоқда. Ёки Польша ва Швейцарияда ҳам ўнлаб чанг қопқонлари ўрнатилган ва натижа кам анча яхши даражада. Санкт- Петербургда ва Москвада 1992 йилдан бошлаб чанг мониторинги устиде иш бошланган ва чанг қоп- қонлари ўрнатилган. Бунинг нати- жасида соҳа мутахассисларининг ҳар кунги маълумотларига биноан

99 Яъни ҳар хил жойлардан турли ўсимликлар олиб келинмоқда, манзарали, гулли, оддий дарaxтли, бутали ўсимликлар кўпайтирилмоқда. Булар ҳам поллиноз каллигини кўпайтиради.

бизда? Ўзбекистон ўсимликларга бой, бизда бор ўсимликлар улар- да йўқ. Масалан, бизда жийда ўсимлиги бор, уларда йўқ. Шу- нинг учун улар уни чанг тузилиши формаларини яхши билишмайди. Юртимизда жийда гулининг чан- гига аллергияси бор инсонлар уч- райди. Умумий ҳисобда, 250 000 дан ортиқ ўсимлик бўлса, улардан 100 мингдан ортиги аллергия кел- тириб чиқаради. Қисқаси ҳудудла- римизда ҳар хил ўсимликлар кўп,

лента янгисига алмаштирилади. Лента олингандан сўнг 7 та бў- лакка бўлинади. Ҳар бир бўлак узунлиги 48 миллиметрни ташкил этади ва бир кунлик чанг донача- лари шу лентага ёпишади. Демак, бир кунлик чанг ҳаёти 48 милли- метрлик масофани ташкил этади. Лентанинг ҳар бир бўлаги буюм ойнасига фоксэль моддаси бўёғи ёрдамида ёпиштирилиб, ёруғлик микроскопи орқали кузатилади. Маълумки, бутун дунёда чанг до- началари фақатгина ёруғлик мик- роскопи орқали саналади, компь- ютерлар ҳозирча бу нарсанинг санашини уйдасидан қилари йўқ.

Утган йил октябрда Тошкент шаҳрида Инновацион ривожла- ниш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази ҳамда Мо- лекулляр аллергология марказида Вена тиббиёт университетининг аэробология гуруҳи Уве Вергер бошчилигида турли аллергик ка- салликларни келтириб чиқарувчи ўсимлик ва дарaxтларнинг чанг доначаларини ўзида тутиб қолув- чи, аллергик касалликлар мавсу- мини олдиндан аниқлаб берувчи иккита чанг тутувчи мослама, чанг қопқонлари ўрнатилган эди. Ушбу мосламалар аллергик ка- салликлар мавсумини олдиндан аниқлаш имконини бериб, бундай касалликлар кучайиб кетишининг олдини олади ва мавсумий ал- лергияни назорат қилиб боришга имкон яратади.

Бекзод ҲОЖИМУҲАММЕДОВ,
«Доктор Мақсудова»
инновацион клиникаси кўз
шифокори:

— Бу масала бизга нима учун муҳим? Ўзбекистонда айнан чанг аллергиясига чалиниш жуда кўп. Кўз докторларига март ойдан бошлаб, июнга қадар кўплаб бе- морлар мурожаат қилади. Улар кў- зим қичишяпти, ёшланяпти, ёруғга чиқсам, кўзим қамашиб кетяпти, деган шикоятлар билан келади. Бу кўз аллергиясининг белгилари ҳисобланади. Биз уни махсус мик- роскоп орқали текширишимизда организмда аллергия белгилари мавжудлигини кураимиз. Кейин ни- мага аллергиянгиз бор, деб савол берамиз. Бунинг беморларнинг ўзи ҳам билса, бизга осон бўлади. Бу- нақа ҳолатларни аллерголог ва оф- тальмолог бирга даволайди. Чунки аллергиянинг белгилари кўпинча кўзга берса, беморнинг бошқа аъ- золарига ҳам ақс таъсирини бериш эҳти- молли кўп.

Чанг организмга қандай ўтира- ди? Кўзда, бурунда, организмнинг шиллиқ қавати бор. Жуда майда бўлгани учун чанглари кўз устига, бурунга ёпишиб, аксирганда ор- ганизмда кучли реакция пайдо бўлади. Кимгадур бир-иқки соат- да реакция бериши мумкин. Ким- гадир эса 24 соат ичида реакция бериш эҳтимоли бор. Шу вақт ўт- гандан сўнг унинг белгилари пай- до бўла бошлайди.

Чанглари кўзга қўринмас бў- лади. У кўзинг шиллиқ қава- тига ёпишгандан сўнг организм реакция беришни бошлайди. Бу ҳолат кимларда кўпроқ учрай- ди? Ёшлигида ким кўпроқ нотоза жойларда дарaxтларнинг олдида юрган бўлса, уларда аллергия бў- лиш фактори кўпроқ кузатилиши мумкин. Кўз қичийди, ёшланади, ёруғга қичиб бўлмайди, кўзга кум киргандек бўлиб, тураверади. Биз аллерголог билан бирга уларни камида ўн кундан икки ҳафтагача даволаймиз.

Ҳозирда поллинозни даволаш вакцинасини тайёрлаш бўйича иш олиб борилмоқда. Кейинчалик махсус дори воситалари Ўзбеки- тонда ҳам ишлаб чиқарилади. Австрияда бўлганимизда, улар телефонга шу бўйича дастур ки- ритилган экан.

Мазкур дастур бугунги кунда катта натижа беряпти ва Евро- панинг кўп давлатларида бундай қопқонлар мавжуд.

Ҳозир биз ўзимиздаги маъ- лумотларни тўллаб, Австрияга юборяпмиз. 2019 йил давомида улар бизга ёрдам беришади. 2020 йилдан бошлаб ўзимиз мустақил ишлашни бошлаймиз.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Шаҳбоз САИДОВ ёзиб олди.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТИ МИНБАРИ

Томорқа халқни боқади, бой қилади

Эгамберди ЭРНАЗАРОВ,
ЎзХДП Урта Чирчик туман кенгаши раиси,
халқ депутатлари туман Кенгаши депутати:



— Томорқадан унумли фойдаланиш партия- миқ дикқат марказидаги масалалардан бири. Бу борада маҳаллий Кенгашлар депутатлари зимма- сида ҳам катта масъулият турибди, деб уйлайман. «Бурғалик» — Урта Чирчик туманидаги обод ма- ҳаллалардан бири бўлиб, асосан полид экинлари, хусусан, помидор, бодирин ва кулпунай экилади. Худудимизда томорқачиликда ўзига хос мақбад яратиб, ердан унумли фойдаланиб, бунинг ортидан оила эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, эл дасту- рхони тўқинчилигига ҳам муносиб ҳисса қўшаётган кишилар кўп.

Биз ўз томорқасидан унумли фойдаланиш борасида аҳолига имкон қадар кўмаклашиб кел- моқдамиз. Экин-тикин арафасида худудимиздаги 343 хонадонда бўлиб, оилалар тасарруфидеги то- морқаларни бориб қўрдиқ. Кўмакка муҳтож 20 хо- надоннинг ерини чиқиқ қилиб, экин экиш ишларига ёрдам бердиқ, эҳтиёжманд оилалар Нурафшон шаҳар ҳокимияти томонидан қўчатлар билан ҳам таъминланди.

Одамлар ўз томорқасидан қанчалик самарали фойдаланиб даромад қилса, бу мамлакатнинг юту- ги бўлади. Шу боис, кимда қандай камчилик, қан- дай муаммо борлиги билан қизиқамиз ва ўз ўрнида ёрдам берамиз. Жумладан, тупроқ-иклим шароити ва сув билан таъминланганлик ҳолатидан келиб чиқиб, қайси турдаги экинларни экишдан тортиб, парваришлаш, маҳсулотни йиғиб олиш, сотиш жа- раёнларига ҳам кўрсатиляпти.

Сайловчилар билан мунтазам ўтказиладиган учрашуларда ҳам бу масалаларга алоҳида эъти- бор берилади. Маҳалла аҳолиси орасида омилкор, томорқадан унумли фойдаланиш ҳадисини олган деҳқонларимиз етарли. «Бурғалик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Сулаймон Ҳамроев шулардан бири. У киши 10 сотих ерда иссиқхона барпо этиб, лимон парвариш- ламоқда. Лимонзордан йилгига 30-40 миллион соф даромад олаётгани эътиборга сазовор. Бу каби тажрибали деҳқонларимиз қишлоқ ҳўжалигига қизиққан ёшлар ва ёш фермерларга маҳорат дарс- лари ўтиб, ўз малакалари билан ўртоқлашадилар. Буларнинг бари томорқа ҳўжалиқларини ривожлан- тириш, одамларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, қўшимча даромад манбаларини яратиш, озиқ-овқат мул-қўлчилигига эришишдек эзгу мақ- садларга қаратилган.

Омилкорлик ортидан худудни ободонлаштириш, маиший шароитларни янада яхшилаш имкони ҳам пайдо бўлмоқда. Томорқалар экин-тикиндан яшнаб турган маҳаллада одамларнинг умумий кайфияти ҳам кўтарилар экан-да...

Халқимизда «Ерни боқсанг, ер сени боқади», деган пурмаёно ҳикмат бор. Замиш ҳалоллик, эъ- тибор қутади. Томорқа ҳар бир оиланинг бамисоли ҳазина манбаи, муъжаз гўшаси. Қолаверса, бир парча ернинг фарзандлар тарбиясидаги аҳамияти ҳақида ҳам унутмаслик керак. Аввало томорқада инсон ҳалол меҳнатга ўрганади. Умуман, бу кенг мавзу, ўзига хос илм. Бир парча ерга меҳр берол- ман инсоннинг ҳаётга муносабати ҳам бундан яхшироқ бўлмаслиги мумкин. Томорқадан фойда- ланиш маданияти қанча ошса, юртимизда турмуш маданияти ҳам шунча юксалади, деб уйлайман.



Ҳамма ўзини буюм бозорларига урган, кутубхона ва китоб дўконлари ҳувилаб қолганди.



«Китоб сеҳри ва меҳри»

КИТОБ – МУКОФОТ

Яқинларимизнинг туғилган куни ёки тўйига, байрамларда нима совға олсам экан, деб ўйланган қоламиз. Гулми, тақинчоқми, кийимми... Кейинги пайтларда совға ахтариб китоб дўконларига ташаётганлар ҳам кўпайиб бормоқда. Ҳа, китоб – энг яхши совға. Китоб – мукофот.

Адабиёт давлатлараро муносабатларда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Франция Республикаси Сенати Раиси Жерар Ларше, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модига китоб тақдим этди. Умумийсоний гоғалар мужасам булган ҳақиқий ижод намунаси, миллатидан қатъи назар,

ҳар бир инсон қалбига акс-садо беради, халқларни бир-бирига яқинлаштиради. Яқинда бир мактабда «Китоб сеҳри ва меҳри» деб номланган адабий кечада ўқувчиларнинг саҳна кўриқлари намойишини мириқиб томоша қилдим. Китобхонлик бўйича кўрик-танлов ўтказилди, ғолиблар китоб билан тақдирланди. Ота-оналар ўзлари катта мукофот олгандай, фарзандлари ютуғидан қувонишди. Бир йиғилишда таниқли профессор (ҳозир у академик) беш-олти журналиста халқаро ҳуқуқ-

қа доир иккита китобини тухфа этди. Китоб солинган безакли картон қутиларни олиб, муаллифга миннатдорлик билдирдик. Остона ҳатлаб аёлимга «Мукофот беришди», – дедим кўлимдаги қутини кўрсатиб. – Муборак бўлсин, муборак бўлсин. Нима экан? – дея у қутини очиб бошладим. Мен ҳозир унинг тарвузи кўлтигидан тушади, деб ўйладим. Лекин у... китобларни қўлига олиб ўпди, кўзларига суртди. – Нима қиласан? – дедим таажжубланиб, – ахир булар илмий китоблар эмас, яна, русчада бўлса... – Нима бўлгандаям китоб нондай азиз, деди у. Тўғриси, аёлимнинг китобга муносабатидан ич-ичимдан қувондим. Утган асрнинг тўқсонинчи йилларида Фарғона шаҳрида бир неча китоб дўкони бор эди. Айниқса, шаҳар марказидаги «Китоб дунёси» машҳур эди.

Вилоятимиз марказига борсам, ҳаммаша гавжум бўладиган бу дўконга кириб, янги китоблардан сотиб олиб, ўзгача кайфият билан чиқар эдим. Тақдир кейинчалик Тошкентга етаклади. Орадан ўн беш йилча ўтган, Фарғонада бўлганимда, ўша маърифат даргоҳи ўзига тортиди. Аста кирдим-у... бекорчиликдан нимадир тикиб ўтирган сотувчи аёллардан бошқа ҳеч кимни кўрмай, кўнглим хира тортиди. Тугилиб ўсган жойим – Сўх туманига келсам ҳам аҳвол шу. Туман марказидаги кутубхона аҳоли яшайдиган жойдан анча узоққа – дашту далалар билан ҳамхудуд касб-хунар коллежи биносига кўчирилибди. Бир неча киши иш жойи ва маош билан таъмин-ку, китобхон анқонинг уруғи. Китоб дўконлари эса ўзини оқламай ёпилибди. Ҳамма ўзини буюм бозорларига урган. Кутубхона ва китоб дўконлари ҳувилаб қолганди. Одамлар китобни узоқлаш-

гани аччиқ ҳақиқат эди. Кўплаб шаҳарларда супермаркет, кафе, ресторан, дорихоналар очилди, китоб дўконлари эса камайиб бораверди. Газеталардан бирида ўқигандим: «Китоб дўкони» деган сўз ҳозирги бозор шароити атамалари ичида ғариброк эшитилди». Бу кетишда нима бўлади, деган савол кўнгилни безовта қиларди. Кўпчилик учун қутилмаганда 2017 йил 12 январда Президентимизнинг фармойиши қабул қилинган, вазият ўзгарди. Китобгина инсонни маънавий юксалликка олиб чиқиши мумкин, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. Ҳақиқатан шундай. Китобдан бегона одамнинг камолоти бўлмайди.

Еш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантириш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Яна китобга юз тутдик – маҳаллалар ва таълим муассасаларини бадий, маърифий, илмий-оммабоп ҳамда тарбиявий мазмундаги адабиётлар билан таъминлашни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Китобга бўлган эътиборнинг ҳар қачонгидан ҳам кучайгани қалбимизни нурга тўлдиради.

Пойтахтимизнинг энг катта туманларидан бўлган Юнусободда ҳам бундан уч-тўрт йил илгари китоб дўкони деярли қолмаганди. Бугун биргина «Мегапанет» ичида, унинг атрофида бир неча китоб дўкони кишини оҳанрабодек ўзига тортиди. «Обод маҳалла» дастури доирасида Юнусободдаги 13-мавзе, хусусан, Янгибўғ маҳалласи бошқача қиёфа касб этди. Янги қурилган ойнаванд бинолардан бири – маҳалла кутубхонаси.

Китобга меҳр қўйган инсон қалбига фақат яхшилик, эзгулик яшайди, меҳр-оқибат яшайди. Дунёқароши ўзгача, маънавияти юксак бўлади. Бу ҳақиқатни айниқса, ота-оналар яхши билиши, болаларини китоб ўқишга давват этиши, уларга китоб совға қилишга одатланиши керак.

Муҳаммад ШОДИЙ,
Ўзбекистон ёзувчилар
уйуммаси аъзоси.

Биласизми?

Уй-жой қуриш учун ер участкалари кимларга аукционсиз ажратилади?



Қонунчиликка мувофиқ қуйидаги фуқароларга уй-жой қуриш учун ер участкалари аукционсиз ажратилади:

- ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига;
- давлат ва хусусий уй-жой фондидаги ўзлари эгаллаб турган уй-жойни туман ҳокимликларига ўтказётган фуқаролар ва мулкдорларга.

Ушбу тоифага кирмайдиган фуқаролар уй-жой қуриш учун ер участкасини электрон аукцион (e-auctions.uz) орқали сотиб олиши мумкин.

Ер участкасини бериш бўйича имтиёзлар бир оиллага бир марта (мулкдорнинг номига) берилади ва оиланинг бошқа аъзоларига татбиқ этилмайди.

Ер участкасини аукционсиз олиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига ариза бериш керак.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- доимий яшаш жойи бўйича уй-жой кадастр ҳужжати нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда);
- юқорида кўрсатиб ўтилган фуқаролар тоифаларининг бирортасига мансубликни тасдиқловчи ҳужжат.

Ариза махсус комиссия томонидан ўн кунда кўриб чиқиладди. Комиссия ижобий ҳулоса чиқарса, ҳоким ер участкасини бериш ҳақида бир кунда қарор қабул қилади ҳамда уч кунда ер участкасини чегараларни ўлчай берилади.

Агар фуқаронинг ерни аукционсиз олишга ҳаққи бўлиб, бўш ер участкаларини мавжуд бўлмаган ҳолатларда, у электрон навбатга киритилади. Бунда, навбатни интернет орқали кузатиб бориш имконияти яратилиши лозим.

Навбат тартибда ер участкаларини олишга эҳтиёжманд фуқаролар рўйхати туман (шаҳар) ҳокими томонидан ҳар олти ойда камида бир марта тасдиқланади.

Транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш



Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан, гиванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилга олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, энг кам иш ҳақининг ийигрма беш баравари (5 млн. 68 минг сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг қирқ баравари (8 млн. 109 минг сўм) миқдорида жарима солишга ёки ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Алкоғолли ичимликдан, гиванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқариши топшириш транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йилдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, энг кам иш ҳақининг ийигрма беш баравари (5 млн. 68 минг сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Мол-мулк солиғидан кимлар озод этилган

Қуйидаги жисмоний шахслар мол-мулк (уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар) солиғидан озод этилган:

— «Ўзбекистон Қадрамони», Совет Иттифоқи Қадрамони, Меҳнат Қадрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шўҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Мазкур имтиёз тегишлича гувоҳнома, ордон дафтарчаси ёки мудофаа бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

— уруш ноғиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз тегишли гувоҳнома ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида берилади;

— ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёллар. Мазкур имтиёз маҳалла йиғинининг маълумотномаси асосида берилади;

— пенсионерлар. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади;

— I ва II гуруҳ ноғиронлари. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

— ҳарбий хизматни ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тегишли органлар томонидан берилган маълумотнома асосида берилади;

— энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда мўқобил энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар — мўқобил энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил муддатга. Имтиёз энергия таъминоти ташкилотлари томонидан берилган маълумотнома асосида берилади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huzuriy axborot» канали.

ЭЪЛОНЛАР

ҲУРАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2019 йил 25, 30 апрель ва 2,7 май кунлари

бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

Очик аукцион савдоларига «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг (Сотувчи) қуйидаги хўжалик жамияти устав фондидаги 100 фоиз улуши (Савдо объекти) қўйилмоқда:

Т/р	Хўжалик жамияти номи	Хўжалик жамияти		Савдо объекти бошланғич баҳоси	Савдода иштирок этиш учун зақалат пули миқдори, 20%
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши		
1.	«QISHLOQ QURLISH MENEJMENT GROUP» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 18-«А» уй	Ишончли бошқариш шартномаси бўйича АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» улуши асосида ташкил этилган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва бошқа корхоналар фаолиятини самарали бошқариш	22 336 400,0 (йигирма икки миллион уч юз ўттиз олти минг тўрт юз) сўм	4 467 280,0 (тўрт миллион тўрт юз олти миш етти минг икки юз саксон) сўм

Очик аукцион шартлари.

Савдо ғолиби Савдо объекти солиштириш баҳосини олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни ичида Сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Аукционда иштирок этиш учун талабгорнинг мажбуриятлар бажарилиши таъминланиши сифатида тўлаган зақалат пули шартнома суммасига киритилади. Харидор улушни ўз номига расмийлаштириш учун монополияга қарши курашиш органларидан белгиланган тартибда рухсатнома олиши шарт. ● Аукционда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим: ● юридик шахслар учун – давлат

рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, устав нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; ● жисмоний шахслар учун – паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; ● аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига зақалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар, юқорида кўрсатилган зақалат пулини, Аукцион ташкилотчиси – «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, СТИР: 302071274, 20208000704929318001 ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим. Аукционда иштирок этиш учун буюртманомаларини қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 1 (бир) кун аввал соат 18:00 да тўхталиди. Ушбу улуши сотилаётган корхона билан талабгорлар унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин. Очик аукцион белгиланган савдо

кунлари соат 15:00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади. Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари: Сотувчи («Қишлоқ қурилиш банк» АТБ): Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 18-«А» уй; телефон (78) 150-93-39; телефакс (78) 150-39-93. Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: (71) 233-02-49; телефакс: (71) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

Барча иш ўринларини аттестациядан ўтказувчи ташкилотлар раҳбарлари диққатиغا!

«Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (имзоланган) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарори билан тасдиқланган «Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»га асосан «Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖ таркибидagi Иш ўринларини меҳнат шароитлари

ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш учун ўз хизматларингиз бўйича тижорат таклифларингизни 2019 йил 8 апрелга қадар жамиятнинг olz@sgcc.uz электрон почта манзилига юборишингизни, тижорат таклифига қўшимча равишда фаолиятни амалга оширишга рухсат берилган лицензия, корхона гувоҳномасини тақдим этишингизни сўрайди.

Алоқа учун телефон: (0375) 552-42-42.



Табрик ва реклама



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртдошларимизни, нефть-газ соҳаси ходимларини
ҳамда мамлакатимиз меҳмонларини
Наврўзи олам билан муборакбод этади!



Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо,
дастурхонимиз тўкин, бунёдкор халқимиз
саломат бўлсин!



**TURON
BANK**

Барқарорлик белгиси!

«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон
халқимизни баҳор ва янгилашни байрами
Наврўз айёми билан муборакбод этади!

Байрам муносабати билан «Туронбанк» АТБ миллий ва
хорижий валюталарда жозибадор шартлардаги муддатли,
жамгарма ва онлайн омонат турларини тақлиф этади:

Миллий валютадаги
омонатлар **21%гача**

Хорижий валютадаги
омонатлар **6%гача**



www.turonbank.uz

turonbank

99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган



**«14-SON RELS
RAYVANDLASH ROYEZDI»
UNITAR KORXONASI JAMOASI**

**халқимизни яшариш ва янгилашни
байрами — Наврўзи айём
билан табриклайди!**

**Янги кун қалбларингизга
шоду хуррамлик,
элимизга қут-барака
олиб келсин.**



**БОРЛИҚНИ ЯШНАТАЁТГАН НАВРЎЗИ
ОЛАМ МУБОРАК БЎЛСИН!**

«САЛОР»

темир йўл масофаси жамоаси

**мамлакатимиз аҳлини
меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик
айёми — Наврўз байрами билан
қизгин муборакбод этади.**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик,
ҳар бир хонадонга тинчлик,
осойишталик тилайди!**



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT
TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKACIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI
«ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**



*барча юртдошларимизни, ҳамкасбларни ўлкамизга
кириб келган Наврўзи олам билан самимий
табриклайди!*

*Баҳор айёми барчангизга қувонч ва шодлик бахшида
этсин, хонадонларингиздан тотувлик ва тўкин-
сочинлик аримасин.*

Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.
Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерназар Алақўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.

Наманган шаҳри, Маргилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

QISHLOQQURILISHBANK

Барча юртдошларимизни

Наврўз

- умумхалқ байрами билан самимий қутлаймиз!



Фурсатдан фойдаланиб, миллий валютадаги омонат турларини тақлиф этамиз:

- «Инсон манфаати» - омонат муддати – 13 ойдан 25 ойгача, фоиз ставкаси йиллик 20 %.
- «Келажак бунёдкори» - омонат муддати – 25 ойдан 36 ойгача, фоиз ставкаси йиллик 21 %.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади. Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» - фаровон ҳаётингиз хизматида!

Мурожаат учун: (+99878) 150-93-39, 150-72-58.

Веб-сайт www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

OZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



OZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- | | | |
|-------------------|-----------------------|---|
| Hotamjon KETMONOV | Saidkamol XODJAYEV | Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
| Ulug'bek VAFOYEV | Musiliddin MUHIDDINOV | Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari) |
| Mahmud TOIR | Shuhrat JALILOV | |

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 351. 5426 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:45.
Topshirilgan vaqti — 02:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 C